БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 221 (712)

10 НОЯБРЬ ШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллигини зўр тантана ва қувонч билан байрам қилдилар.

Коммунистик партия атрофига маҳкам жипслашган совет халқи КПСС XX съездининг тарихий қарорларини муваффақият билан амалга оширишга тайёр эканликларини намойиш қилиб кўрсатдилар.

Партия ва халқ бирлигининг ёрқин намойиши

Коммунизм қураётган совет халқи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллигини зўр сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги билан, шод-хуррамлик билан байрам қилди. Миллионлаб совет кишилари Ватанимиз пойтахти Москвада, иттифоқчи республикаларнинг пойтахтларида, шунингдек бошқа кўп шаҳарларда ва қишлоқларда бўлиб ўтган байрам намойиши ва тантаналарида қатнашдилар. Мамлакатимизнинг ҳамма жойларида бўлиб ўтган байрам тантаналари Коммунистик партия ва совет халқи бирлигининг буюк намойишига айланди. Байрам тантаналари шуни кўрсатдики, Коммунистик партия атрофига мустаҳкам жипслашган совет халқи мамлакатимизда амалга оширилаётган коммунистик қурилишнинг буюк вазифаларини бажаришга ҳамиша тайёрдир.

Ижодкор совет халқи партия XX съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун хормай-толмай меҳнат қилмоқда. Халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати туфайли Ватанимиз бойлиги, куч-қудрати тинмай ортиб бормоқда.

Шу йилнинг дастлабки ўн ойи мобайнида ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарадиган саноат тармоқларининг маҳсулоти ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 11 процентдан зиёд ошди. Бу йил СССРда 49 миллион тонна пўлат ишлаб чиқарилади, сал кам 430 миллион тонна кўмир, 84 миллион тонна нефть чиқарилади, 192 миллиард киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқарилади. Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг бутун саноати 1913 йилдагига нисбатан 30 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқармоқда, шу жумладан пўлатни 11 баравар, нефтни 9 баравар, кўмирни 15 баравар кўп ишлаб чиқармоқда, электр қувватини эса қариб 100 баравар кўп ишлаб чиқармоқда.

1956 йил мамлакатимиз тарихига социалистик қишлоқ хўжалигини кенг миқёсда ва ҳар тарафлама кескин юксалтириш йили бўлиб ҳам киради. Совет ҳокимияти барпо қилингандан буён ўтган давр ичида давлатимиз ҳеч қачон бу йилдагидек кўп ҳосил тайёрламаган эди. Бу йил ўтган йилдагига нисбатан бир миллиард пуддан кўпроқ галла тайёрланди.

Республикамиз, шунингдек областимиз меҳнаткашлари ҳам бутун халқимиз сингари Октябрь революциясининг 39 йиллигини меҳнат соҳасида катта ғалабалар билан кутиб олдилар. Кўплаб саноат корхоналарининг коллективлари байрамга муносиб меҳнат совғалари билан келдилар. Тошкентдаги 150 дан ортиқ завод ва фабрика Улуғ Октябрнинг 39 йиллигини ишлаб чиқариш топшириқларини ошириб бажариш билан кутиб олди. Шаҳар саноати йил бошидан бери 150 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарди.

Республикамиз пахтакорлари байрам арафасида давлатга 2,5 миллион тоннадан кўпроқ пахта топширидилар. Областимиз пахта тайёрлаш юзасидан планни ва мажбуриятни бажариш арафасида турибди. Бўстонлиқ, Оржоникидзе, Юқори Чирчиқ, Пискент ва Ўртасарой районлари пахта тайёрлаш юзасидан белгиланган планларинигина эмас, шунингдек социалистик мажбуриятларини ҳам бажардилар.

Улуғ Октябрнинг шонли 39 йиллиги байрамида ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг бузилмас иттифоқи, мамлакатимиз халқларининг қардошларча дўстлиги, бутун жамиятимизнинг метиндек мустаҳкам маънавий-сиёсий бирлиги яна бир марта ёрқин намойиш қилинди. Совет кишилари қўлга киритган ажойиб меҳнат зафарлари партиямизнинг XX съездидан сўнг мамлакатимиз меҳнаткашларининг активлиги анча ошганлигини кўрсатди.

Омманинг ижодий ташаббускорлигини янада ошириш, социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш, оммани ишлаб чиқаришни бошқаришга кўпроқ жалб қилиш социалистик ишлаб чиқаришни тинмай юксалтиришнинг энг муҳим шартидир. Совет кишилари эксплуататорлар учун эмас, балки ўзлари учун, ўз жонажон социалистик давлати учун меҳнат қилаётганликларини жуда яхши биладилар. Шунинг учун ҳам улар ташаббус кўрсатиб гайрат билан, фидокорлик билан, қувонч билан меҳнат қиладилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати меҳнаткашлар тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Аҳоли истемол қиладиган молларнинг тобора кўпроқ ишлаб чиқарилаётганлиги, товар оборотининг ўсиб бораётганлиги, уй-жой ва маданий-маиший қурилиш жуда кенг кўлам олганлиги бунинг яққол далилидир.

Партия ва Ҳукуматимиз ўзбек халқининг турмушни фаровон қилиш, маданиятини гуллаб-яшнатиш учун ҳам кўп ишлар қилмоқдалар. Мирзачўлнинг қўриқ ерларини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисидаги, пахта етиштиришда модий манфаатдорликни ошириш тўғрисидаги, республика шаҳар ва қишлоқларини обод қилиш тўғрисидаги бирқанча тадбирлар ана шулар жумласиндандир.

Ўз куч-қудратига ва қобилиятига, ўзи танлаб олган йўлнинг тўғрилигига тўла ишонган совет халқи коммунизм йўлидан олға бормоқда. Бу йил тинчлик, халқлар дўстлиги ва ҳамкорлиги йўлидир, турли социал системадаги давлатларнинг тинч-тотув бўлиб яшаш йўлидир. Совет Иттифоқи ўз ташқи сиёсати билан, шунингдек халқ Хитойи ва бошқа социалистик мамлакатлар халқаро аҳволдаги кескинликни юмшатиш ишига, халқаро ҳаётнинг барча жанжалли масалаларини тинч йўл билан, музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этиш учун қулай шароитлар вужудга келтириш ишига кўп ҳисса қўшдилар. Бироқ, бир қанча капиталистик давлатларнинг муайян агрессив доиралари бошқача йўлни афзал кўрмоқдалар. Улар халқаро ҳаётни гоят кескинлаштиришга уринмоқдалар, тинчликсевар халқларга қарши иғволар уюштирмоқдалар. Бу доиралар миср халқига қарши жинояткорона интервенция бошлаб, бутун инсониятга қарши иш қилмоқдалар. Октябрь намойишига чиққан юз минглаб совет кишилари уруш чиқаришга ҳаракат қилаётган империалистларни лаънатладилар. Намойишчилар кўтариб чиққан кўпгина транспарантларда: «Мисрдан қўлингни тортэ»!, «Империалист агрессорлар Мисрдан ҳайдаб чиқарилсин!» деган сўзлар ёзилган эди.

Буюк Совет Иттифоқи бундан бўён ҳам тинчлик учун сабот билан курашади, ўз озодлиги ва мустақиллиги учун қаҳрамонона курашаётган барча халқларнинг содиқ дўсти бўлиб қолади. Совет халқи КПСС XX съездининг тарихий қарорларини турмушга татбиқ эта бориб, Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги остида коммунизм қурилишида бундан буён ҳам янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритади.

Америка Қўшма Штатлари Президенти ДУАЙТ Д. ЭЙЗЕНХАУЭР Жаноб Олийларига

ВАШИНГТОН, ОҚ УЙ

Ҳурматли Президент жаноблари,

Америка Қўшма Штатлари Президенти лавозимига қайтадан сайланганлигингиз муносабати билан самимий табрикларимни ва улуғ америка халқининг бахт-саодати йўлида бажарадиган гоят масъулиятли фаолиятингизда муваффақият қозонишингизни истаб изҳор қилган энг яхши тилакларимни қабул қилишингизни Сиздан сўрайман.

Сизнинг Президент лавозимида қиладиган ишларингиз халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга ва узоқ давом этадиган мустаҳкам тинчликни вужудга келтиришдан иборат буюк мақсадга эришишга ёрдам беради, деб ишонч билдираман.

К. ВОРОШИЛОВ

1956 йил 8 ноябрь. Москва, Кремль

Америка Қўшма Штатлари Президенти ДУАЙТ Д. ЭЙЗЕНХАУЭР Жаноб Олийларига

ВАШИНГТОН, ОҚ УЙ

Ҳурматли Президент жаноблари,

Президентликка сайланишингиз муносабати билан Сизга қизғин табрикларимни ва энг яхши истакларимни йўллайман.

Биз Сизни АҚШнинг юксак арбоби ва раҳбари деб биламиз. Сиз халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш ва барча давлатлар ҳамда халқлар ўртасида тинч ва самарали муносабатлар ўрнатишга, мамлакатларимиз ўртасида худди шундай муносабатлар ўрнатишга интилмоқдасиз.

Биз халқларимиз ва давлатларимиз ўртасида энг самарали ва энг дўстона алоқалар ўрнатиш тарафдори бўлиб келдик ва ҳозирда ҳам шунга тарафдормиз.

Президент жаноблари, Сизнинг ўз фаолиятингизда энг катта муваффақиятларга эришувингизни самимий тилаймиз, Сизнинг сиҳат-саломат ва бардам бўлишингизни тилаймиз.

СССР Министрлар Советининг Раиси
Н. БУЛГАНИН.

1956 йил, 8 ноябрь. Москва, Кремль.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин ва АҚШ Президенти Дуайт Д. Эйзенхауэрнинг бир-бирларига юборган мактублари

5 ноябрда СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин номига АҚШнинг СССРдаги Элчиси Ч. Болендан хат олинди, бу хатга Америка Қўшма Штатлари Президенти Дуайт Д. Эйзенхауэрнинг мактуби илова қилинган эди.

7 ноябрда СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин АҚШ Президенти Дуайт Д. Эйзенхауэрга жавоб мактуби юборди.

Қуйида шу мактублар эълон қилинади:

АҚШ Президенти Дуайт Д. Эйзенхауэрнинг СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. БУЛГАНИНГА МАКТУБИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Совети Раиси Маршал **Николай А. Булганин** Жаноб Олийларига

МОСКВА

Президент **Дуайт Д. Эйзенхауэрдан** 4 ноябрь.

Бугун менга Венгриядан келган хабарлар мени ниҳоятда қайғиртди.

Совет Ҳукуматининг 1956 йил 30 октябрда чиқарган ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик сиёсатини тасдиқлаб ўтган Декларацияси ҳамма ерда совет қўшинларини Венгриядан тезликда олиб кетиш ҳақидаги ваъда деб тушунилган эди. Ҳақиқатан, бу баёнотда Совет Иттифоқи «совет ҳарбий қисмларининг Венгрияда бундан буён бўлиши вазиятнинг янада кўпроқ кескинлашуви учун баҳона бўлиши эҳтимоли борлигини назарда тутишини» кўрсатган эди. Бу баёнотга Қўшма Штатлар Ҳукумати ва шахсан мен давлат ишида кўрсатилган зўр донолик деб баҳо берган эдик. Шундан кейин Венгрия Ҳукумати совет қўшинларини олиб кетиш тўғрисида тамомила муайян талабни қўйган эди.

Шунинг учун ҳам биз бу сиёсатнинг ўзгарганлигидан гоят ҳаяжонландик. Совет қўшинларини олиб кетиш тўғрисида Сизнинг вакилларингиз билан Венгрия Ҳукуматининг вакиллари ўртасида музокаралар бўлиб турган бир вақтда Венгрия Ҳукуматига ва халқига қарши бу равишда яна куч ишлатилганлиги айниқса ҳаяжонлантирадиган бир иш бўлди.

Сизга маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши бу проблемани Фавқулодда тартибда муҳокама қилиш билан шуғулланмоқда. Кечагина куннинг иккинчи ярмида Сизнинг вакилингиз Кенгашда шу дамда Будапештда бўлиб турган музокаралар шундай битим тузишга олиб келадики, бунинг натижасида, Венгрия Ҳукумати талаб қилганидек, совет қўшинлари Венгриядан олиб кетилади деган таассуротни қолдирган эди. Худди шу асосда Хавфсизлик Кенгаши бу масаланинг муҳокамасини кечиктирган эди.

Инсонпарварлик ва тинчлик бўлишини истаб мен Совет Иттифоқининг совет қўшинларини Венгриядан дарҳол олиб кетиш чораларини кўришини ҳамда венгер халқига инсоний ҳуқуқларидан ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида барча халқлар учун таъкидлаб ўтилган асосий эркинликлардан фойдаланиш ҳамда уларни амалга ошириш учун имкон беришини астойдил илтимос қиламан.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси бу фожиали вазиятни муҳокама қилмоқ учун бугун куннинг иккинчи ярмида фавқулодда сессияга тўпланади. Сизнинг вакилингиз Совет Иттифоқи ўз қўшинларини бу мамлакатдан олиб кетишга тайёргарлик кўраётганлигини ва венгер халқига ўз хоҳиши билан ҳукуматга эга бўлиш ҳуқуқидан фойдаланишга имкон беришини бугун шу сессияда маълум қила олади деб умид қиламан.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. БУЛГАНИННинг Америка Қўшма Штатлари Президенти ДУАЙТ Д. ЭЙЗЕНХАУЭРГА МАКТУБИ

МОСКВА, КРЕМЛЬ.

1956 йил 7 ноябрь

Президент Жаноблари,

Сизнинг 4 ноябрдаги мактубингиз муносабати билан мен шу нарсани таъкидлаб ўтишни зарур ҳисоблайманки, Венгриядан совет қўшинларини олиб кетиш ҳақида мактубда кўтарилган масала тамомила Венгрия ва Совет Ҳукуматларининг компетенциясига доир масаладир.

Бу билан бирга шуни айтиб ўтишни истар эдимки, Сиз Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукуматининг венгер халқига қарата чиқарган Хитобномасида баён қилган Программаси билан танишиш имкониятига эга бўлгандирсиз. Бу Программада Сизни қизиқтирган масала ҳақида мукаммал маълумот борлигини пайқаганлигингизга шубҳа қилмайман.

Сиз ўз мактубингизда Совет Иттифоқи билан бошқа социалистик давлатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш ва янада мустаҳкамлаш асослари тўғрисида ССР Иттифоқи Ҳукуматининг 1956 йил 30 октябрдаги Декларациясига тўхталиб ўтгансиз, бу ҳақда шуни айтиш керакки, Совет ҳукумати ўз сиёсатида шу Декларацияда баён қилинган принципларга амал қилаётганлигига ва амал қилишига шубҳаланмоқ учун ҳеч қандай асос йўқ.

Н. А. БУЛГАНИН.

Америка Қўшма Штатлари Президенти **Дуайт Д. Эйзенхауэр** Жаноб Олийларига

Вашингтон.

Н. А. БУЛГАНИН ВА Н. С. ХРУШЧЕВ ГРЕЦИЯ ЖАМОАТ АРБОБЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

6 ноябрда Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Москвада турган Афина мэри Посанис Катцотасни, Пирей мэри Димитриос Сапунакисни, Афина муниципал кенгашининг раиси Константинос Эвангелидисни, Пирей муниципал кенгашининг раиси Константинос Афанасиадисни қабул қилдилар.

Қабул вақтида СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов ва Москва Совети Ижроия Комитетининг Раиси Н. И. Бобровников ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Д. Т. ШЕПИЛОВ МИСРНИНГ СССРДАГИ ЭЛЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов 6 ноябрда Мисрнинг СССРдаги Элчиси Муҳаммад А. Эль Кунини қабул қилди ва у билан суҳбатлашди. (ТАСС).

МОСКВАДА ОКТЯБРЬ БАЙРАМИ

Қизил Майдонда парад ва пойтахт меҳнаткашларининг намойиши

Ҳар доим катта тантаналар кўпларидагидек, Москва бугун ҳам ўзининг байрам либосида беқиёс гўзал...

7 ноябрь эртанги пайт. Чиройлик қилиб безатилган кўчаларда намойишчилар ўз колонналари тўпланадиган жойларга шошиб борадилар. Кўп ўтмай катта кўчаларда айрим колонналар кўрина бошланди; шойи қизил байроқлар товланади. Муздай ҳавода ёшлар садоси жаранглади:

...Салом, жонажон шаҳар,
Ватаним қалби — юраги.

Бу пайт шаҳарнинг марказида ва индустрия гигантлари қад кўтариб турган теварак-атрофда кишилар гавжум.

Намойишчиларнинг колонналари шаҳарнинг ҳамма томонларидан марказга томон бормоқдалар. Кремль тевараклaридаги кўчалар қувноқ, серзавқ, ясанган кишилар билан тўлди.

Қизил майдон традицион либосини кийган. ГУМ биносида Коммунистик партиянинг ва дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси В. И. Ленининг портрети турибди; КПСС Марказий Комитетининг Октябрь чақириқлари, СССР ва иттифоқчи республикаларнинг герблари, байроқлар, арча навдаларидан ишланган безаклар товланиб кўринади. Мана шуларнинг ҳаммаси Кремль, Тарих музейи ва ГУМ биноларининг архитектурасига қўшилиб, улуғвор манзара яратади.

Кремль девори олдидаги гранит трибуналарда кишилар кўп. Булар — фабрика ва заводларнинг ишчилари, Москва теварагидаги районларнинг колхозчилари, олимлар, ёзувчилар, рассомлар, артистлар, врачлар, ўқитувчилардир. Ҳозир бўлганлар орасида партия, давлат ва жамоат арбоблари, халқ сайлаган кишилар — СССР ва иттифоқчи республикалар Олий Советларининг депутатлари ҳам бор. Меҳмондўст Москва умум халқ байрамида қатнашиш учун чет эллардан кўп дўстларни таклиф қилган. Бу ерда дипломатия корпусининг аъзолари, чет давлатларнинг ҳарбий атташелари бор.

Ҳарбий парад бошланадиган пайт яқинлашмоқда. Қўшинлар майдон бўйлаб текис саф тортиб туради.

Гулдурос қарсаклар бошланади: майдонда йиғилганлар Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарларини табриклайдилар. Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, Л. И. Брежнев, Д. Т. Шепилов, Е. А. Фурцева, Н. М. Шверник, А. Б. Аристов, Н. И. Беляев, П. Н. Поспелов ўртоқлар Мавзолей трибунасига чиқадилар. Бу ерда кўзга кўринган ҳарбий бошлиқлар — маршаллар, генераллар ва адмираллар ҳам турадилар.

Парад қўмондони Совет Иттифоқи Маршали К. С. Москаленко: «Парад, смирно!» деб команда беради. Бир неча дақиқадан кейин Маршал К. С. Москаленко Кремлнинг Спас дарвозасидан чиқиб келган СССР Мудофаа Министри Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуков сари боради. Машиналар Мавзолей рўпарасида дуч келишади. Парад қўмондони Министрга Москва гарнизонининг қўшинлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллигини нишонлаш учун парад бошлаш учун саф тортиб турганликларини маълум қилади. СССР Мудофаа Министри қўшинларнинг сафлари олдидан ўта бошлайди, жангчилар билан саломлашади, уларни байрам билан табриклайди ва сўнгра Мавзолей трибунасига чиқиб нутқ сўзлайди.

Совет Иттифоқи Маршали Г. К. ЖУКОВ нутқи

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари!

Чет эллик ҳурматли меҳмонларимиз!

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ўттиз тўққиз йиллиги билан сизларни Совет Ҳукумати ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан ва уларнинг топшириғига мувофиқ табриклайман ва қутлайман!

Улуғ Октябрь байрамини совет кишилари Коммунистик партия XX съездининг тарихий қарорларини бажариш учун курашда янги муваффақиятлар билан қутиб олдилар.

Қаҳрамон ишчилар синфи, инженерлар ва техниклар, фан арбоблари олтинчи беш йиллик биринчи йилининг топшириқларини ниҳоятда баланд руҳ ва ғайрат билан бажармоқдалар. Улар металл, ёқилғи, электр қуввати, халқ истеъмол қиладиган буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун, саноатда техникани тараққий эттириш ва меҳнат унумдорлигини янада ошириш учун астойдил курашмоқдалар.

Колхозчи деҳқонлар, МТС ва совхозларнинг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари бутун халқнинг ёрдамига таяниб, бу йил қишлоқ хўжалигини юксалтиришда катта муваффақиятларга эришдилар. Қўриқ ерларни ўзлаштириш натижасида мамлакатда дон етиштириш кескин равишда кўпайди. Қўриқ ерларда ишловчи меҳнаткашларнинг ватанпарварлик билан кўрсатган фидокорлиги бутун совет халқининг чуқур ҳурмати ва қувончига сазовор бўлди.

Коммунистик партия Марказий Комитети ва Совет Ҳукумати XX съезд қарорларини бажариб, совет кишиларининг фаровонлигини янада ошириш ва меҳнат шароитини яхшилаш соҳасида жуда катта тадбирларни амалга оширдилар.

Ватанимизнинг куч-қудратини мустаҳкамлаш тўғрисида, ҳар бир совет кишисининг бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ҳамиша диққат марказида туради.

Ленин васиятларини маҳкам туриб амалга ошираётган партия ва ҳукумат теварагига мустаҳкам жипслашган совет халқи социалистик ватанни янада гуллатиб яшнатиш учун курашда ўзининг куч ва ижодий ғайратини аямаётир.

Хитой Халқ Республикаси ва халқ демократияси мамлакатлари социализм қуриш йўлидан ишонч билан олга бормоқдалар.

Совет кишилари улуғ хитой халқига, барча халқ демократияси мамлакатларининг меҳнаткашларига социализм мамлакатларининг қардошларча дўстлиги асосида янги, бахтли ҳаёт қуришда чин кўнгилдан янги муваффақиятлар ҳамда тинчлик учун, социал прогресс учун курашда бирлик бўлишини тилайдилар.

Совет Иттифоқи ўзининг ташқи сиёсатида ижтимоий системалари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашлари принципларига, бутун дунёда тинчликни сақлашдан иборат улуғ мақсадга муттасил асосланмоқда.

Ҳукуматимизнинг Қуролли Кучларни қисқартираётганлиги, Япония билан муносабатларни нормаллаштиришга қаратилган тадбирлари, Совет ҳукумати зўр бериб қуролланишга изчиллик билан қарши чиқаётганлиги, атом қуролини батамом ва сўзсиз тақиқлаш учун изчиллик билан курашаётганлиги давлатимизнинг тинчликсеварлик сиёсатини амалда тасдиқлай туради.

Совет Иттифоқининг бундай ташқи сиёсий йўли совет халқининг ҳаётий манфаатларига тўла жавоб беради, бутун дунёда миллион-миллион оддий кишиларнинг қизғин хайрихоҳлигига сазовор бўлмоқда, бутун дунёда тинчлик учун кураш олиб бораётган Европа ва Осиёдаги кўп давлатларнинг ҳукуматлари томонидан мақтаулланмоқда.

Бироқ, социализм душманлари, тинч-тотув яшаш ва халқлар дўстлиги душманлари Совет Иттифоқи халқларининг бошқа мамлакатлардаги халқлар билан дўстона муносабатларини бузишга, тўла суверенитет ва тенгҳуқуқлилик асосида тинч-тотув яшашдан иборат олийжаноб мақсадларга путур етказишга қаратилган ўз ҳаракатларини давом эттирмоқдалар. Англия, Франция ва Исроилнинг мустақил Миср давлатига қарши қуролли агрессияси, шунингдек Венгрияда контрреволюцион кучларнинг халқ-демократик тузумни тугатишга ва мамлакатда фашизмни тиклашга қаратилган ҳаракатлари бунинг далилидир. Халқ Венгриясининг ватанпарварлари Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукумати томонидан ёрдамга чақирилган Совет Армияси қисмлари билан биргаликда Венгрияда реакция ва фашизм йўлини қатъиян тўсдилар.

Совет Иттифоқи Бирлашган Миллатлар Ташкилотини Англия, Франция ва Исроилнинг Мисрга қарши қуролли агрессиясига қатъиян хотима беришга, араб халқларининг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун олиб бораётган курашларида уларни актив қўллаб-қувватлашга чақирмоқда. Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш керакки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарор қилган тақдирда бу агрессияни тугатишда ўзининг Қуролли Кучлари билан амалда қатнашишга тайёрдир.

Улуғ Ватанимизнинг меҳнаткашлари амин бўлишлари мумкинки, Совет Иттифоқининг шавкатли Қуролли Кучлари Совет Иттифоқининг давлат манфаатларини мустаҳкам химоя қилишга ҳар доим тайёр турадилар.

Яшасин қудратли Совет Ватанимиз!

Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари!

Яшасин Совет Ҳукуматимиз!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шарафлар бўлсин!

Ура!

«Ура!» садолари Кремль батареяларининг салюти билан қўшилиб кетади. Майдонда Совет Иттифоқи Давлат гимнининг улуғвор куйи янграйди.

Фанфарлар чақириғи эшитилади. Аниқ командалар берилади ва барабанлар овози остида қўшинлар тантанали марш бошлайдилар.

Трибуналардагилар ҳарбий академияларнинг ўқувчиларидан иборат батальонлар — совет Қуролли Кучларининг ажойиб қўмондон кадрлари шарафига қарсак чаладилар. Олий ҳарбий ўқув юртларида ҳозирги замон ҳарбий техникасини, шу жумладан атом, термоядро, ракета ва реактив қуролни башқаришга қобил командирлар тайёрланмоқда.

М. В. Фрунзе номидаги Қизил байроқли, Ленин орденли ва биринчи даража Суворов орденли ҳарбий академия ўтмоқда. Унинг орден лентали байроғини Совет Иттифоқи Қаҳрамони подполковник Белов кўтариб бораётир. Совет Иттифоқи Қаҳрамони подполковник Елкин ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони капитан Иванов унга ассистент бўлиб бормоқдалар.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Тошкент, 1956 йил 7 ноябрда В. И. Ленин номидаги майдонда ҳарбий парад.

П. Салов фотоси.

Тошкент, 1956 йил 7 ноябрда В. И. Ленин номидаги майдонда меҳнаткашлар намойиши. В. Салов фотоси.

МОСКВАДА ОКТЯБРЬ БАЙРАМИ

Қизил Майдонда парад ва пойтахт меҳнаткашларининг намойиши

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

В. И. Ленин номидаги Ленин орденли Қизил байроқли Ҳарбий сиёсий академия, Дзержинский номидаги Ленин орденли ва биринчи даража Суворов орденли артиллерия инженерлик ҳарбий академияси, Куйбишев номидаги Қизил байроқли Ҳарбий-инженерлик академияси шаҳдам қадамлар ташлаб ўтмоқдалар.

Қизил байроқли Ҳарбий ҳаво академиясининг ва профессор Жуковский номидаги Ҳарбий ҳаво инженерлик Академиясининг ўқувчилари ўтиб бормоқдалар.

Совет учувчилари ихтиёрида ажойиб техника бор. Ватан саноати уларга энг янги реактив бомбардировкачи самолётлар ишлаб берди. Бу машиналардаги асбоб ва аппаратлар самолётларни кечасию-кундузи, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ва жуда узоқ масофаларга учиш имкониятини беради.

...Мана, шонли ҳарбий денгизчилар — М. В. Фрунзе номидаги Қизил байроқли Ленин орденли ва Ушаков орденли Олий ҳарбий денгиз мактабининг курсантлари ўтмоқдалар. Флотларнинг ва флотилияларнинг кўп қўмондонлари, шунингдек катта қўшилмаларнинг командирлари шу мактабда ўқиганлар.

Майдонга янги-янги бўлинмалар кирмоқдалар. РСФСР Олий Совети номидаги Москва Қизил байроқли ҳарбий ўқув юрти курсантларининг қадамлари шаҳдам.

«Чегарачи» деган сўз бизда мардлик, қаҳрамонлик, доимий ҳушёрлик символи бўлиб қолди. Совет кишилари Совет давлатининг чегараларини қўриқлаётган жангчиларни чинакам севадилар. Генерал-майор Лукашов етакчилик қилаётган чегарачилар гулдурос қарсаклар билан кутиб олиндилар.

Байрам парадида Туладаги суворовчилар мактаби ва Ленинграддаги нахимовчилар мактабининг ўқувчилари қатнашдилар. Армия ва флотнинг бўлажак офицерлари шаҳдам юриши, пухта интизоми билан ажралиб турадилар.

Совет халқи ўз армияси билан фахрланади. Совет Иттифоқи Қуролли Кучлари энг янги қуроллар ва ҳарбий техника билан таъминланган, батамом механизациялашган ва моторлаштирилган. Буларнинг нақадар ўсганликларини, жанговар қуввати ва қудратини М. И. Калинин номидаги Қизил байроқли Суворов орденли Тамань механизациялаштирилган гвардиячи дивизия ўтган вақтда кўриб ишониш мумкин эди.

Мана, Кремль ва Тарих музейи проездлари томонидан пиёда аскарлар тушган бронетранспортёрлар кела бошлади. Қизил майдон моторларнинг гулдуроси билан тўлди. Гвардиячи жангчилар автоматлар билан қуролланганлар. Ҳар бир машинада пулемёт бор.

Десантчилар ўнларча машиналарда ўтдилар.

Ҳарбий парадниг сўнгги қисми қудратли артиллерия техникасини кўрсатишга бағишланган эди. Тўртта-тўртта қилиб бириктирилган пулемёт бўлинмалари, енгил дала тўплари, шатак машиналарга тиркалган зенит артиллерия, реактив ва оғир миномётлар, бир-биридан катта ва қудратли тўплар ҳаммани завқланириб ўтиб турди.

Москва Қизил майдонидаги ҳарбий парад ҳозирги замон ҳарбий техникаси билан қуролланган шавкатли Қуролли Кучлар тинчликни, Ватанимизнинг хавфсизлигини қўриқлаётганлигини очиқ ва равшан кўрсатди. Булар Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ҳар қандай топшириғини шараф билан муносиб даражада бажаришга, социалистик Ватани ҳимоя қилишга тайёрдирлар.

* * *

Парад тугади. Москва дарёси сари кетган сўнгги ҳарбий машиналарнинг овози тиниб қолди. Минарларда турган мингларча кишиларнинг кўзлари Тарих музейи томонига тикилди. Оркестр садоси янгради, майдонда орден лентаси тақилган ва баланд кўтарилган қизил ғалвирак байроқ кўринди. Бу — пойтахтнинг байроғи, Москва Советининг байроғидир, уни улуғ шаҳар меҳнаткашларининг вакиллари кўтариб келмоқдалар.

Москва байроғи орқасидан майдонга илғор спорт жамиятларининг вакиллари — физкультурачилар кирадилар. Ёш, бақувват, чаққон, жасур физкультурачилар ёшликни ва ғалаба қилган социализм мамлакатининг битмас-туганмас ҳаётий кучларини ифодалайдилар. Спортчиларнинг биринчи колоннаси Совет Иттифоқининг ғоят катта Гербини кўтариб бормоқда, сўнгра СССРнинг олти метрлик байроғи пайдо бўлади, унинг атрофида ўн беш қардош иттифоқчи республикаларнинг давлат байроқлари бор. Бу — совет халқлари бузилмас дўстлигининг символидир. Владимир Ильич Ленин портрети бўлган катта алвон баландда ҳилпирайди. Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, А. И. Кириченко, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев портретлари туширилган шойи алвонлар шамолда ҳилпирайди.

Спортчилар совет кишиларининг бутун ниятларини ифодалайдиган қуйидаги чақириқ сўзларини бутун майдон бўйлаб кўтариб ўтадилар:

— Коммунизм ғалабаси сари, олға!

Минбарларда физкультурачилар шарафига бошланган қарсаклар тинмасданоқ майдонда манзара ўзгарди, у қипқизил тус олди — пойтахтнинг майдонга кирабошлаган дастлабки 12 районининг бир минг икки юз байроғи баландда ҳилпирайди. Байроқлар орқасидан одамлар дарёси оқабошлади. Колоннаолар тепасида меҳнаткашларнинг улуғ устозлари — Маркс, Энгельс, Ленининг портретлари баланд кўтарилиб бормоқда. Партия ва ҳукумат раҳбарлари Мавзолей трибуналаридан намойишчиларни табриклайдилар. Бунга жавобан майдонда «Ура!» садоси гуруллайди. Бу — партия ва халқнинг, халқ билан унинг ҳукумати бирлигининг жонли ифодасидир.

Халқ партиянинг Октябрь Чақириқларини кўтариб ўтмоқда. Бу Чақириқлар мингларча алвон ва транспарантларга ёзилган, улар кишиларнинг тилларидан тушмайди ва қалбларига жо бўлган.

— Ленинизм байроғи остида, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбарлиги остида — коммунизм ғалабаси сари олға!

— КПСС XX съездининг қарорларини бажарайлик!

— Олтинчи беш йилликни муддатидан илгари бажарайлик!

Колонналарда тинчлик тўғрисидаги чақириқлар ва паннолар кўп, кишилар тинчлик ҳақидаги қўшиқларни айтиб ўтмоқдалар. Бундай бўлиши табиийдир, Москванинг тинчлик байроқдори деб аталиши тасодифий эмас. Киров райони колоннасида Красний Холм комбинати ва «Парижская коммуна» фабрикасининг ишчилари «Тинчлик ва бахт-саодат учун!» деган сўзлар ёзилган ҳаво ранг алвонни кўтариб ўтадилар.

Совет ҳукуматининг тинчлик сиёсати шарафига айтилган табриқ сўзлари радио қарнайларидан эшитилганида, намойишчилар сафларида гулдурос «Ура!» садоси янграйди.

Ҳар замоннинг ўз хусусияти бор. Ўтган йилги Октябрь намойиши вақтида бўлмаган нарсалар ҳозир пайдо бўлди. Бу янгилик даставвал партия XX съездининг тарихий кўрсатмаларини амалга ошириш билан боғлиқдир. Шчербаков, Тимирязев ва бошқа районларнинг меҳнаткашлари олиб ўтаётган паннолларда бу йил Ватанга мамлакат тарихида мисли кўрилмаган миқдорда ғалла берган Россия Федерацияси ва Қозоғистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига табрик сўзлари ёзилган. Бундай паннолари шаҳар меҳнаткашлари кўтариб ўтаётганликлари факти социалистик давлат қуқудрати асосларининг асоси бўлган ишчилар синфи ва деҳқонларнинг бузилмас иттифоқининг ифодасидир. Олимлар колоннасида—СССР Фанлар академияси колоннасида ҳам янгилик аломатлари бор. Улар кўтариб ўтаётган панно ва транспарантлар инсон билимларининг жаҳон хазинасига олимларимизнинг қўшган янги ҳиссалари билан таништиради.

Колонналар юзларча алвон ва транспарантларни кўтариб ўтмоқдалар. Буларда металл, ёқилғи, электр қуввати, машиналар ишлаб чиқаришни, ғалла етиштиришни, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан олтинчи беш йиллик топшириқлари акс эттирилган. Шулар қаторида индустриал Москванинг меҳнат соҳасида эришган ғалабалари ҳақидаги рамлар ҳам кўп. Пойтахт саноати ўн ойлик планни 104,4 процент бажарди.

Майдонга Пролетар районининг меҳнаткашлари кирдилар. Колоннанинг олдида Ватан автомобилсозлик саноатининг тўғриғ корхонаси — Лихачев номидаги автозавод ишчилари ва хизматчиларининг колоннаси келмоқда. Паннолларнинг бирида қуйидаги сўзларни ўқиймиз: «1956 йилда пландан ташқари мингта юк машинаси ишлаб берамиз».

Майдонга янги колонналар кира бошлайдилар. Буларнинг сафларида мингларча бинокорлар бор. Бу йил Москвада уй-жой қурилиши ниҳоятда авж олди. 1.360 минг квадрат метр уй-жой тайёр қилиб топширилади.

Намойишчиларнинг сафларида ҳушчақчақ, шўх, қувноқ ёшлар кўп. Бугун ёшларнинг қалби алоҳида қувонч ва фахрланиш ҳислари билан тўлган. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг чақириқларини ҳамма вақт жўшқинлик билан бажарган комсомол ва совет ёшларининг социалистик қурилишдаги катта хизматларини ва айниқса қўриқ ерларни муваффақият билан ўзлаштиришдаги фидокорона меҳнатини тақдирлаб, ҳукумат комсомолни яна бир Ленин ордени билан мукофотлади.

Инсониятнинг учдан бир қисмидан кўпроғи Улуғ Октябрь байроғи остида яшамоқда, янги ҳаёт қурмоқда. Москва меҳнаткашлари кўтариб ўтаётган мингларча плакат, алвон ва паннолларда улуғ Хитой, Польша, Чехословакия, Венгрия, Руминия, Болгария, Албания, Мўғулистон Халқ Республикаси, Югославия, Корея Халқ-Демократик Республикаси, Вьетнам Демократик Республикаси, Германия Демократик Республикаси халқларига оташин табрик сўзлари ёзилган. Шу нарса эътиборни жалб қиладики, колонналарда улуғ қардош хитой халқининг, социализм лагеридаги барча қардош халқларнинг вакиллари ўтмоқдалар. Булар — Москва заводларида ишлаб чиқариш практикасини олаётган ишчилар, олий ўқув юртларида ўқиётган студентлардир.

Совет кишилари Венгриядаги воқеаларни эътибор билан кузатиб бормоқдалар. Совет кишилари венгер ишчилар синфи ва деҳқонларнинг социалистик ғалабаларини йўқ қилишга уринган халқаро реакциянинг кирдикорларига ғазаб билан лаънат ўқидилар. Москвиклар Венгрия революцион Ишчи-Деҳқон ҳукуматини табриклаб қуйидаги чақириқ сўзларини олиб ўтмоқдалар:

— Венгрия меҳнаткашлари! Мамлакатда революцион тартиб ўрнатиш учун курашингиз, халқ социалистик Венгриясининг душманларини фош қилингиз!

Мавзолей ёнидаги гранит трибуналарда чет эллардан келган меҳмонлар кўп. Булар СССРга совет кишиларининг ҳаёти билан танишмоқ учун келган. Бу ерда Хитой Халқ Республикасидан, Чехословакия, Руминия, Мўғулистон Халқ Республикаси, Югославия, Ўруғвай, Ироқ, Голландия, Бельгия, Швейцария ва бошқа мамлакатлардан келган делегациялар бор.

— Бу намойиш совет халқининг куч-қудратини, унинг хитой халқига ва дунёдаги барча тинчликсевар халқларга ғоят дўст бўлганлигини алоҳида сездириб туради. Социалистик лагернинг бузилмас бирлиги Қизил майдонда шу соатларда айниқса равшан тасаввур қилинмоқда, — дейди хитой бинокорлари делегациясининг раҳбари Чжань Эньшу.

* * *

Қизил майдон Москвадаги 25 районнинг ҳаммасидан колонналар ўтдилар. Шундан кейин яна физкультурачилар 500 та қизил шойи байроқни ва мингларча байроқчаларни кўтариб майдонга кирадилар.

Москва меҳнаткашлари вакилларининг Октябрь намойиши халқ ва партиянинг бузилмас бирлигини, СССРда коммунизм қуриш учун, барча халқлар ўртасида тинчлик учун курашда совет кишиларининг қатъий иродасини кўрсатди. (ТАСС).

Бирлик ва жипслик намойишлари

Бутун совет мамлакати улуғ байрамни — Октябрнинг 39 йиллигини тантана ва қувонч билан нишонлади. Шаҳар ва қишлоқлар устида қизил байроқлар ҳилпиради. Завод ва фабрикаларнинг, қурилишлар ва илмий муассасаларнинг, университет ва театрларнинг коллективлари эришилган муваффақиятлар тўғрисида рапортлар бериб, намойишга байроқлар ва транспарантлар кўтариб чиқдилар.

Бу кунда халқимиз ўзининг бирлигини ҳамда Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагига жипслашганлигини, КПСС XX съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун бундан буён ҳам фидокорлик билан курашишга тайёр турганлигини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатди.

...Улуғ Октябрь ғалаба қилган шаҳар, ўлмас Ленин номига қўйилган шаҳар. Невада ҳарбий денгиз паради ва Сарой майдонида ҳарбий парад тамом бўлгандан кейин байрам намойиши бўлди. Намойишда икки юз мингдан ортиқ киши қатнашди. Байроқдорлар колоннасида шаҳар байроғини кекса путиловчи, Қишки саройни қаҳрамонларча штурм қилишда қатнашган А. Мирошников кўтариб ўтди. Трибуналарда турувчилар донгдор Киров заводи меҳнаткашларини, уникал машиналар ишлаб чиқарувчи коллективларни — металл заводи вакилларини, Ленин номидаги Нева машинасозлик заводи ишчиларини самимий табриклардилар. Майдондан вагонсозлар, тўқимачилар, Болтиқ заводининг ишчилари ва инженерлари ўтдилар. Буларнинг ҳаммалари саноатда техникани тараққий эттириш учун бошланган умумхалқ курашининг актив қатнашчилари, ишчилар синфининг энг яхши вакилларидирлар. Намойишчилар Маркс ва Ленин портретларини, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларининг портретларини баланд кўтариб ўтдилар.

Киевнинг кўчалари намойишчиларни чиройли байрам безаклари билан кутиб олди. Намойиш колонналарининг энг олдида Ленин ордени лентаси тақилган шаҳар байроғи ҳилпиради. Ватан Украина пойтахтини Ленин ордени билан мукофотлаган эди. Украина пойтахтининг меҳнаткашлари КПСС XX съездининг қарорларини турмушга ошириш учун ғайрат билан курашмоқдалар. Киев корхоналаридан қарийб 150 таси ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 10 ойлик планини муддатидан илгари бажарди.

Белоруссия пойтахтининг машинасозлари, тўқимачилари, пойафзалчилари, темир йўлчилари, станкосозлари, полиграфчилари олтинчи беш йиллиннг биринчи йили планларини муддатидан илгари бажариш учун октябрь олди социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари ҳақида намойишда рапорт бердилар.

Иттифоқчи республикаларнинг пойтахтлари — Тбилиси, Ереван, Вильнюс, Сталинобод, Ашхобод, Фрунзе, Таллин ва Кишиневдаги байрам намойишлари узоқ давом этди. Бу намойишларнинг ҳар бири Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлигини кўрсатувчи далил бўлди, бу намойишларнинг ҳар бири республикада саноат ва маданиятнинг ривожланишидаги хусусиятларни акс эттирди.

Кейнинги йилларда Озарбайжонда индустриянинг кўп янги тармоқлари вужудга келди. Булар орасида химия саноати ҳам, рангли металлургия ҳам, электр машинасозлиги ҳам бор. Аммо нефть республика экономикасининг асоси бўлиб қолмоқда.

Ригада бу йил октябрь намойиши биринчи марта Даугава бўйида — латиш пролетариатининг революцион жанглари бўлган тарихий ерда ўтди.

Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг колонналари устида республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этувчи пахта чаноқларининг макетлари бор эди. Корхоналарнинг ва муассасаларнинг коллективлари бу йил айниқса мўл ҳосил берган «оқ олтин»ни тез йиғиштириб олиш учун курашга кўпган ўз ҳиссалари тўғрисида фахр билан рапорт бердилар. Байрамгача давлат омборларига икки ярим миллион тоннадан ортиқ пахта топширилди. Ўзбекистон тарихида республика ҳеч қачон бу муддатга қадар шунча кўп пахта топширган эмас эди.

Олмаотадаги намойиш безаклари орденли Қозоғистон республикаси меҳнаткашларининг иш ва ҳаётини, уларнинг нималар билан фахрланаётганликларини ифодалади. Ранг-баранг панно ва транспарантларда қозоғистонликларнинг меҳнат соҳасида эришган шонли ғалабалари ёрқин кўрсатилди. Қўриқ ерларда етиштирилган ва олмаоталиклар олиб ўтган олтин бўғдой бошоқларининг маъноси катта. Давлат республикадан 1 миллиард пуддан ортиқ дон олди.

Ўз қаҳрамон шаҳарларининг шонли жанговор традицияларини муҳаббат билан сақлаб келаётган Севастополь, Сталинград, Одесса меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 39 йиллигини тантана билан байрам қилдилар. Қора денгиз флотининг ҳарбий денгизчилари 7 ноябрга жанговор ва сиёсий тайёргарликда катта ютуқлар билан келдилар.

Ватан машинасозлигининг гиганти — Свердловск Уралмашзаводи ишчилари энг янги техникани ва технологияни қўлланиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини 10 процент оширишдилар. Янада такомиллаштирилган кўп хил машиналар ишлаб чиқарила бошланди. Свердловск корхоналари бу йил жамъи 150 хил янги машиналар ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар.

Куйбишев подшипник заводи ишчиларининг намойишга СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС байроғини кўтариб чиқишлари традиция бўлиб қолди. Подшипникчилар мусобақа илғорларига бериладиган бу фахрий мукофотни ўз коллективи қўлида 10 йилдан буён сақлаб келмоқдалар.

Харьковликлар техникани тараққий эттириш ишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Транспорт машинасозлиги заводидан пўлат магистралларига ҳар бири 4.000 от кучига эга бўлган «ТЭ-3» маркали юк тепловозлари чиқиб турибди. Бу тепловозларни кўплаб ишлаб чиқариш ташкил қилинди, бунга ишни тўхтатмай туриб тайёргарлик кўрилган эди.

Магадан Ватанимиз пойтахтидан узоқда, аммо бу шаҳар Москванинг доимий чинакам гамхўрлигидан, унинг ёрдамидан кун сайин баҳраманд бўлмоқда. Бу йил узоқ шимолни ўзлаштиришда қатнашиш учун бу ерга 5.000 дан ортиқ москвалик комсомоллар келдилар. Узоқшарқ ва Сибирнинг табиий бойликларидан яхшироқ фойдаланишга бутун мамлакат ёрдам бермоқда. Владивосток, Хабаровск, Южно-Сахалинск, Якутск, Чита, Благовешченск меҳнаткашлари ўз байрам намойишларида беш йиллик плани бажаришда эришилган муваффақиятларни кўрсатувчи плакат ва транспарантларни кўтариб ўтдилар.

Бу йил мамлакат Олтой ўлкаси ғаллакорларидан 280 миллион пуд товар ғалла олди. Колхозлар иқтисоди жиҳатдан мустаҳкамроқ бўлиб қолдилар, колхозчиларнинг фаровонлиги тобора ошмоқда.

Бундан икки йил илгари Кустанай областида қўриқ ерларда ташкил қилинган совхозга Богдан Хмельницкий номи берилган. Мамлакатнинг ҳамма томонларидан келган ёш ватанпарварлар қисқа муддат ичида янги ерларни ҳайдадилар, обод посёлка барпо қилдилар. Янги кўчиб келганлар мўл ҳосил йиғиб олиб давлат омборларига бир миллион пуддан ортиқ дон тўкдилар.

Ставрополь ўлкасида донг чиқарган «Россия» колхозининг аъзолари, Красноярск ўлкасида Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг қатнашчиси Шушенское районининг меҳнаткашлари, миллион-миллион бошқа қишлоқ меҳнаткашлари байрамни эришилган ютуқлар учун фахрланиш ҳислари билан кутиб олдилар.

Мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқларида байрам намойишларининг қатнашчилари минг-минглаб шиорлар кўтариб ўтдилар.

Совет ҳокимиятининг қирқинчи йилига ўтган мамлакатимиз меҳнаткашлари Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида коммунизм қуришда, бутун дунёда тинчлик учун муттасил курашишга маҳкам бел боғлаганликларини ўзларининг байрам намойишлари вақтида такрор-такрор айтдилар. (ТАСС).

Комсомолнинг Ленин ордени билан мукофотланганлиги муносабати билан Москва ёшларининг митинги

Бутуниттифоқ ленинчи коммунистик ёшлар союзининг бешинчи орден — Ленин ордени билан мукофотланганлиги муносабати билан 8 ноябрда В. И. Ленин номидаги Марказий стадионнинг Спорт саройида Москва ёшларининг митинги бўлди.

Президиумда — ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретарлари А. Н. Шелепин, В. Е. Семичастний, З. П. Туманова, В. И. Залужний, КПСС Москва Комитетининг секретарлари И. В. Капитонов, П. Н. Демичев, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретарлари И. Т. Марченко, С. М. Бутусов, С. Д. Орлов, ВЛКСМ Москва область ва Москва шаҳар комитетларининг секретарлари, саноатнинг ёш новаторлари, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда қатнашган ёшлар ва қизлар, янги ерларда ҳосилни ўриб-йиғиб олишда қатнашган ёшларнинг вакиллари, студентлар ўтиришдилар.

Митингни ВЛКСМ Москва шаҳар комитетининг секретари М. Ф. Давидов очди. Оржоникидзе номли станок заводининг цех бошлиғи Н. Чикирев, Бауман номидаги Москва олий техника билим юртининг студенти Г. Розенко, Қозоғистоннинг Кўкчатов областидаги Бирлик дон совхозининг тракторчиси М. Симакова, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари А. Н. Шелепин нутқ сўзладилар. Улар юксак мукофот учун жонажон Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига самимий миннатдорчилик изҳор қилиб, комсомоллар ва барча совет ёшлари мамлакатимизда коммунизм қуришда бундан буён ҳам партиянинг содиқ ёрдамчилари бўлишга қатъий бел боғлаганликларини айтдилар.

Митингда КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади. Митинг қатнашчилари уни қизғин кутиб олдилар.

Йиғилганлар Москва ёшлари митинги қатнашчилари номидан КПСС Марказий Комитетига якдиллик билан мактуб қабул қилдилар.

Митинг охирида катта концерт қўйиб берилди. (ТАСС).

Область шаҳарларида Улуғ Октябрнинг байрам қилиниши

ЧИРЧИҚ

Социалистик Чирчиқ шаҳри 5 ноябрьдаёқ байрам тусини олди. Шаҳардаги кўп қаватли кўркам бинолар қизил байроқлар, шиор ва плакатлар билан безатилган.

Байрам тонги. Шаҳарда ёқимли музика садолари янграй бошлади. Соат 11 да байрам намойиши бошланди. Намойиш минбари «Средазхиммаш» заводи меҳнаткашларининг маданият саройи олдига ўрнатилган эди. Бу маданият саройи улуғ байрам олдидан машинасозларга совға қилинган. Бинонинг икки томонига улуғ доҳиларимиз К. Маркс ва В. И. Ленин портретлари, шунингдек партия ва ҳукумат раҳбарларининг портретлари қўйилган.

Байрам намойишини биринчи бўлиб шаҳар мактаблари ва ҳунар мактабларининг ўқувчилари бошлаб бердилар. Шундан сўнг «Чирчиксельмаш» заводининг машинасозлари ўтдилар. Улар байрам олди мусобақасини қизитиб, 6 ноябрда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 11 ойлик планини 105, товар маҳсулоти бўйича 102 процент бажардилар. Майдонга 2-қурилиш бошқармасининг бинокорлари кириб келдилар. Улар ҳам ўз меҳнат муваффақиятлари ҳақида рапорт бермоқдалар. Бинокорлар 3 ноябрда йиллик планни бажаришга муваффақ бўлдилар.

Байрам олди мусобақасининг ғолибларидан бўлган Чирчиқ «Электромонтаж» участкасининг коллективи йиллик планни байрам арафасида 100,4 процент қилиб бажарди.

«Средазхиммаш» заводининг машинасозлари ҳам байрам олди мусобақасида юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Қишлоқ хўжалигимизга кўплаб минерал ўғитлар етказиб бераётган Чирчиқ электрохимия комбинатининг коллективи байрам намойишига катта пахта макетини олиб чиқди.

Чирчиқда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 39 йиллиги муносиб меҳнат муваффақиятларига эришилган ҳолда тантанали вазиятда нишонланди.

ОҲАНГАРОН

Республикамизнинг кўмир базаси бўлган Оҳангарон шаҳри улуғ байрам кунларида янада гўзал тусга кирди. Шаҳар бинолари, шахта ва заводларнинг фасадлари байрам либосига ўралган. «Горняк» клуби тепасидаги иллюлизациялар узоқлардан маржондек кўзга ташланиб турмоқда. Ундаги «Улуғ октябрнинг 39 йиллиги» деб ёзилган шиор Ильич чироғлари нурида порламоқда.

Шаҳар меҳнаткашлари 7 ноябрьда эрталаб соат 10 яримда ана шу клуб олдидаги майдонга тўпландилар. Улар бу ерга улуғ байрам шарафига бағишланган тантанали митингга келдилар. Митингни меҳнаткашлар депутатлари Оҳангарон шаҳар совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ В. Лисин очиб, меҳнаткашларни улуғ байрам куни билан қизғин табриклади.

Шундан сўнг байрам намойиши бошланди. Намойишни 9-шахта кончилари колоннаси бошлаб берди. Шахта кончилари бу улуғ байрамга 11 ойлик планни ошириб бажарганликлари ҳақидаги меҳнат рапортлари билан келдилар. Транспарантлар кўтарган шахтерлар орасида донгдор кончилардан Раҳов, Пискорский ва бошқа ўртоқлар бор. Буларнинг ҳаркайсиси 11 ойлик нормани ортиқ билан бажариб, шу кунларда декабрь ойи ҳисобидан кўмир қазиб чиқармоқдалар.

Улар орқасидан кўмир разрези кончиларининг колоннаси ўтди. Разрезнинг донгдор экскаватор машинистларидан Абламетов ва Алиқулов ўртоқлар ҳам 11 ойлик нормани бажариб, улуғ байрамни юқори меҳнат совғалари билан кутиб олдилар. Шаҳардаги нон заводи, саноат комбинати сингари корхона ва муассасалар ҳам улуғ байрамни ишлаб чиқариш планини ошириб бажариш билан кутиб олдилар.

Оҳангарон шаҳрида улуғ байрам намойиши зўр кўтаринки руҳ билан ўтди.

БЕКОБОД

Умумхалқ байрами куни шаҳар кўчалари меҳнаткашларга лиқ тўлди, кун бўйи оммавий сайл авж олди. Кечқурун металлургларга ва цементчилар клубларида бадиий ҳаваскорлик тўгарак аъзолари катта концерт бердилар.

Саноат корхоналарининг меҳнатсевар коллективлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, катта ютуқларни қўлга киритдилар.

В. И. Ленин номидаги металлургия заводининг илғор пўлат қуювчиси Б. Мирзаматов йил бошидан бери тезкорлик методи асосида ишлаб, шу кунгача пландан ташқари 70 тонна пўлат қуйди. Қосимов ва Мадаминов ўртоқлар бошчилик қилаётган илғор листопрокатчи бригадалар кунлик нормани 2—3 баравар ошириб бажардилар. 3-сортапрокатчилар бригадаси аъзолари бир сменада 63 шартли тонна туника прокати бериб янги рекорд қўйдилар.

Пахта тозалаш заводи коллективи байрамни ноябрь ойининг иккинчи декадаси ҳисобига ишлаб кутиб олди. 704-УНР бинокорлари умумхалқ байрамини йиллик планни бажариш билан нишонладилар. Фарҳод ГЭС энергетиклари ўн ойлик топшириққа қўшимча равишда 22 миллион киловатт-соат энергия ишлаб чиқардилар.

ТОШКЕНТДА ПАРАД ВА НАМОЙИШ

Ўзбекистонда олтин куз... Бог ва парклардаги дарахтларнинг барглари қуёш нурида ялтирамоқда, гулларнинг хушбўй ҳиди думоққа урилади. Республиканинг шаҳар ва қишлоқлари байрам либосини кийган.

Олтинчи беш йиллик биринчи йилининг куз фасли совет кишилари учун ажойиб бир пайт бўлди. Шу йилнинг куз фаслида халқимизнинг қаҳрамонона йилномасига буюк ғалабалар билан тўлган саҳифалар ёзилди: Қозоғистон ва Россия Федерацияси далаларида бир неча миллиард пуд ғалла етиштирилди, янги электростанциялар ишга туширилди, янги мартен печларни ва домналардан кўп миқдорда пўлат ва чўян олинди, жуда катта автомат станоклар ва роят кучли реактив двигателлар ишлаб чиқарилди, янги қурилишлар кенг қулоч отди. Ватанимиз КПСС XX съезди кўрсатган йўлдан голибона бормоқда. Совет кишилари бу ишлар билан ҳақли суратда фахрланмоқдалар, бу ишлар традицион байрам — Улуғ Октябрь байрамининг ҳуснига ҳусн қўшмоқда.

Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари ҳам шу тарихий кунни бутун совет халқи билан биргаликда тантанали вазиятда нишонладилар.

Ленин номидаги майдон ҳар йилдагидек бу сафар ҳам Тошкентдаги умумхалқ тантанасининг маркази бўлди. Завод ва фабрикаларнинг донгдор ишчилари, илғор пахтакорлар, отоқли олимлар, Ўрта Осиёдаги революцион ҳаракатнинг ветеранлари, СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, министрлар, Совет Армиясининг генераллари Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси улуғ Ленин монументи ёнидаги минбарларга тўпландилар.

Ҳукумат уйи биносига В. И. Ленининг, партия ва Совет ҳукумати раҳбарларининг портретлари қўйилган. ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари баланд кўтарилган.

М. А. Абдуразоқов, О. А. Алимов, А. П. Бизов, С. К. Камолов, М. Мирзаахмедов, Р. Р. Мельников, К. Муртазоев, Н. А. Муҳиддинов, З. Р. Раҳимбобоева, Ш. Р. Рашидов, Тошкент область партия комитетининг секретари С. Нуриддинов, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. Ғ. Ғуломов ва бошқа ўртоқлар ҳукумат минбарига чиқдилар.

Эрта билан соат 10. Туркистон ҳарбий округининг қўмондони, армия генерали А. А. Лучинский маҳаллий гарнизоннинг саф тортган қўшинлари олдига келади. У, жангчиларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллиги байрами билан табриклайди ва шундан кейин минбарга чиқиб нутқ сўзлайди.

А. А. Лучинский айтадики, совет халқи Октябрь байрамини КПСС XX съезди кўрсатган йўлдан голибона бормоқда. Совет кишилари бу ишлар билан ҳақли суратда фахрланмоқдалар, бу ишлар традицион байрам — Улуғ Октябрь байрамининг ҳуснига ҳусн қўшмоқда.

Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари ҳам шу тарихий кунни бутун совет халқи билан биргаликда тантанали вазиятда нишонладилар.

Ленин номидаги майдон ҳар йилдагидек бу сафар ҳам Тошкентдаги умумхалқ тантанасининг маркази бўлди. Завод ва фабрикаларнинг донгдор ишчилари, илғор пахтакорлар, отоқли олимлар, Ўрта Осиёдаги революцион ҳаракатнинг ветеранлари, СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, министрлар, Совет Армиясининг генераллари Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси улуғ Ленин монументи ёнидаги минбарларга тўпландилар.

Ҳукумат уйи биносига В. И. Ленининг, партия ва Совет ҳукумати раҳбарларининг портретлари қўйилган. ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари баланд кўтарилган.

М. А. Абдуразоқов, О. А. Алимов, А. П. Бизов, С. К. Камолов, М. Мирзаахмедов, Р. Р. Мельников, К. Муртазоев, Н. А. Муҳиддинов, З. Р. Раҳимбобоева, Ш. Р. Рашидов, Тошкент область партия комитетининг секретари С. Нуриддинов, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. Ғ. Ғуломов ва бошқа ўртоқлар ҳукумат минбарига чиқдилар.

Эрта билан соат 10. Туркистон ҳарбий округининг қўмондони, армия генерали А. А. Лучинский маҳаллий гарнизоннинг саф тортган қўшинлари олдига келади. У, жангчиларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллиги байрами билан табриклайди ва шундан кейин минбарга чиқиб нутқ сўзлайди.

А. А. Лучинский айтадики, совет халқи Октябрь байрамини КПСС XX съезди кўрсатган йўлдан голибона бормоқда. Совет кишилари бу ишлар билан ҳақли суратда фахрланмоқдалар, бу ишлар традицион байрам — Улуғ Октябрь байрамининг ҳуснига ҳусн қўшмоқда.

Ўртоқ Лучинский халқаро аҳвол масалаларига тўхталиб айтадики, тинч-тотув яшаш, барча давлатлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик сиёсати СССР ташқи муносабатларининг мустаҳкам негизи бўлиб келди ва шундай негиз бўлиб қолади. Совет ҳукумати ана шу ленинча принципларга амал қилиб, Англия, Франция ва Исроилнинг Мисрга қарши агрессив ҳаракатларини қаттиқ қоралади.

Қўмондон яна бундай дейди: Дунёда қора кучлар борлигини ва бу кучлар олға қараб қилаётган ҳаракатимизга халақит беришга, Совет Иттифоқини ва бутун дунёни янги уруш гирдобига ташлашга интилаётганликларини сира эсдан чиқармаслигимиз керак. Шу сабабдан, Совет давлатининг мудофаа қобилиятини тинмай мустаҳкамлаш — бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ўртоқ Лучинский ўз нутқини мамлакатимиз халқлари дўстлигининг қалъаси, бутун дунёда тинчлиқнинг мустаҳкам таянчи — Совет Иттифоқи шарафига, доно Коммунистик партия ва жонажон Совет ҳукумати шарафига табрик хитоблари билан тамомлайди.

«Ура» садолари янграйди, тўплардан ўқ узиб салют берилади. Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат гимларининг улуғвор садолари бутун майдонни қоплайди.

Ҳарбий парад бошланади. Энг янги техника билан қуролланган қўшинларнинг ҳар хил турлари ўзларининг юксак таълимини, Октябрнинг ғалабаларини хушъёрлик билан қўриқлашга, Ватанимизнинг жанговар топшириқларини доим бажаришга тайёр эканликларини намойиш қиладилар.

Ҳарбий техника ўтиши биланоқ болаларнинг хушчақчақ қўшиқлари эшитилди. Болалар шаҳар меҳнаткашларининг намойишини бошлаб бердилар. Мактаб ўқувчилари ўқишдаги муваффақиятлари тўғрисида, политехника ишхоналарида, колхоз ва совхоз далаларида меҳнат жараёнида ҳосил қилган малакалари тўғрисида рапорт бердилар. Қизил алвонларга: «Бахтли болалигимиз учун Коммунистик партияга раҳмат!» деган сўзлар ёзилган.

Меҳнат резервлари мактаблари ва ўқув юртларида тарбияланаётган ёшлар ўз формаларини кийиб, саф бўлиб ўтадилар.

Рангба-ранг миллий кийимлар кийган йигит ва қизлар колоннаси майдонга кириб келганида минбардагилар уларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Улар СССР халқларининг бузилмас дўстлигини ифода этган иттифоқчи республикаларнинг байроқ ва гербларини кўтарганлар. Турли миллатларнинг вакиллари социалистик давлатнинг монолит мустаҳкамлигини, совет халқининг бирлиги ва жипслигини намойиш қиладилар. Колоналар Ильичнинг гуллар билан ўралган катта портретини кўтарганлар. Бу портрет СССР меҳнаткашларининг ўлмас Ленин идеяларига содиқ эканлигини ёрқин ифода этади. Намойишчилар Октябрь чақириқларининг шу сўзларини такрорлайдилар:

«Яшасин ва яшнасин кўп миллатли социалистик давлатимиз куч ва иқтидорининг манбаи — Совет Иттифоқи халқларининг қардошларча дўстлиги!».

Майдонда жуда кўп байроқ кўтарилган. Шаҳар районлари меҳнаткашлари вакилларининг колоналари икки қатор бўлиб ўтадилар. Улар республиканинг халқ хўжалиги ва маданияти олтинчи беш йиллиқда роят ривожланаётганлигини тасвирловчи панно ва транспарантларни кўтарганлар. Улар Октябрь олди социалистик мусобақасида эришилган янги ғалабалардан дарак берадилар. Тошкент шаҳридаги 150 дан ортиқ завод ва фабрика Улуғ Октябрь байрамини ишлаб чиқариш топшириқларини ошириб бажариш билан кутиб олди.

«Ташкенткабель» заводининг коллективи Куйбишев райони колоннасининг олдида бормоқда. Ана шу илғор корхона умумхалқ байрамини ишлаб чиқариш планини ошириб бажариш билан нишонлади.

Шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг кўма Қизил байроғини олган «Узбексельмаш» заводининг ишчилари ва мутахассислари минбар олдидан ўтадилар. Бу корхонанинг машинасозлари олти қаторли квадратуялаб экадиган пахта сеялкаларини кўплаб ишлаб чиқаришга киришдилар.

Намойишчилар орасида темирйўлчилар, энергетиклар, саноатдаги турли тармоқларнинг ходимлари бор.

Кўп транспарантлардаги рақамлар Ўзбекистон пойтахтини обод қилиш соҳасида СССР Министрлар Советининг қарорида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун кўп иш қилинаётганлигини тасвирлайди. Бинокорлар 25 минг квадрат метрга яқин уй-жойни фойдаланиш учун топширганликларини, телецентр ишга туширилганлигини, янги троллейбус линиялари ўтказилганлигини, кўчалар, майдонлар ва завод территорияларида бир миллион квадрат метр майдонга асфальт ётқизилганлигини маълум қиладилар.

Байрам намойиши қатнашчилари орасида коммунизм қуриш ишига муносиб ҳисса қўшаётган шонли совет интеллигенциясининг вакиллари бор. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари ва корреспондент аъзолари олдинги сафда борадилар. Бу йил уларнинг сафи анча кенгайди. Колоналарда янги илмий муассасаларнинг ходимларини, шу жумладан ядро физикаси институтининг ходимларини кўрамиз. Ядро физикаси институтининг ташкил этилиши республикада фан роят юксалганлигини ёрқин исбот этади. Ўзбекистон санъати ва адабиётининг Москвада ўтказиладиган декадасида миллий маданиятимизнинг юксалиб бораётганлигини муносиб суратда кўрсатишга тайёрланаётган артистлар, ёзувчилар, композиторлар, рассомлар майдондан ўтадилар.

Кўкракларига комсомол значогини таққан йигит ва қизлар коммунизм қураётган кекса авлод вакиллари билан ёнма-ён борадилар. Ватанимиз Ленин комсомолини байрам арафасида яна бир Ленин ордени билан мукофотлаб, унинг ватанпарварлик ишларига юксак баҳо берди.

Ўзбек халқининг миллий ифтихори, республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг негизи бўлган пахта кўсакларидан ясалган макетлар баланд кўтарилган. Шаҳар меҳнаткашларидан неча ўн минглаб киши бу йил пахта теримида қатнашди ва мўл «оқ олтин» ҳосилини қисқа вақт ичида йиғиштириб олишда колхоз ва совхозларга актив ёрдам берди. Байрам арафасида давлат омборларига икки ярим миллион тоннадан кўпроқ пахта топширилди. Тошкент шаҳрининг ишчилари ва хизматчилари республикадаги барча меҳнаткашлар билан биргаликда, ҳосилни қисқа вақт ичида тўла-тўкис йиғиштириб олиш ва бу йил Ватанга камида уч миллион тонна пахта топширишдан иборат мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун курашмоқдалар. Улар бу ишни ўзларининг фахрли вазифалари деб ҳисоблайдилар.

Колоналардаги панно ва транспарантлар шаҳар меҳнаткашларининг Ўзбекистонда пахтачиликни янада юксалтириш учун, пахтачилик базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилаётганликларини тасвирлайди. Диаграмма ва панноларда Тошкент корхоналари за проект ташкилотлари ҳамда олимларнинг Мирзачўлни ўзлаштиришда қатнашаётганликларини ифода этади. Республика пойтахтининг неча юзлаб вакиллари қўриқ ерларда меҳнат қилиб, Мирзачўлни гуллаб турган воҳага айлантириш суръатларини тезлаштирмоқдалар.

Совет кишиларининг тинчлик ва демократия учун курашда меҳнаткашларнинг бирлигини мустаҳкамлаш йўлидаги интилишини тасвирловчи транспарантлар баланд кўтарилган.

Минбардагилар янги ҳаёт барпо қилаётган улуғ хитой халқига, халқ демократияси мамлакатларининг меҳнаткашларига табрик сўзларини айтганларида намойиш қатнашчилари бу сўзларни такрорлайдилар:

«Венгрия меҳнаткашлари! Революцион Ишчи-Деҳқон ҳукумати теварагига маҳкам жипслашингиз! Халқ демократиясининг ғалабаларини ҳимоя қилингиз, ишчи ва деҳқонлар ҳокимиятини мустаҳкамлангиз!»

Намойишнинг юз мингларча қатнашчилари империалистларнинг янги жаҳон урушини бошлашни кўзда тутган уринишларига қарши қатъий норозилик билдирадилар.

Тошкентдаги намойиш Ўзбекистон меҳнаткашларининг кўп миллатли Совет давлатининг қудратини мустаҳкамлашга, тинчлик ва халқлар ҳавфсизлиги йўлида яна зўр ғайрат билан кураш олиб боришга қатъи қарор берганликларини кўрсатди.

* * *

Республика пойтахтининг кўчалари ярим кечагача одамлар билан лиқ тўла эди. Кечқурун байрам салютининг рангба-ранг чироқлари кўкни, ёритди.

(ЎзТАГ).

1956 йил 7 ноябрда В. И. Ленин номидаги майдонда меҳнаткашлар намойиши. В. Салов фотоси.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Тошкент областидаги колхоз ва совхозларнинг энг яхши теримчиларини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлаш тўғрисида*

1956 йилги пахта ҳосилини йиғиб-терив олишда бошланган социалистик мусобақада яхши кўрсаткичларга эришган ва алоҳида ўрнак кўрсатган қуйидаги теримчилар Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлансинлар:

ГУЛИСТОН РАЙОНИ БУЙИЧА

136. **Шомуродова** Мақсад — Крестьянский қишлоқ советидаги Крупская номли колхознинг теримчиси.

137. **Эрнабоев** Абдумалик — Крестьянский қишлоқ советидаги Крупская номли колхознинг теримчиси.

138. **Эшназарова** Тулак — Красноармейский қишлоқ советидаги «Красная Заря» колхозининг теримчиси.

МИРЗАЧЎЛ РАЙОНИ БУЙИЧА

139. **Билолова** Хажар — Октябрь қишлоқ советидаги «Октябрь» колхозининг теримчиси.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ БУЙИЧА

140. **Абиева** Умсин — Молотов қишлоқ советидаги Тельман номли колхозининг теримчиси.

141. **Абдибергановa** Ажор — Молотов қишлоқ советидаги «Тельман» номли колхозининг теримчиси.

142. **Асқарова** Халима — Андреев қишлоқ советидаги Андреев номли колхозининг теримчиси.

143. **Абдуллаева** Норбиби — Эски Тошкент қишлоқ советидаги Хрушчев номли колхозининг теримчиси.

144. **Ахмедова** Турсуной — Эски Тошкент қишлоқ советидаги Маленков номли колхознинг теримчиси.

145. **Боймирзаева** Руқия — Эски Тошкент қишлоқ советидаги Хрушчев номли колхознинг теримчиси.

146. **Ғозиев** Турсунбой — Андреев қишлоқ советидаги Андреев номли колхознинг теримчиси.

147. **Жўрабоева** Шаҳодат—Эски Тошкент қишлоқ советидаги Хрушчев номли колхознинг теримчиси.

148. **Зуфарова** Надзи —Эски Қовунчи қишлоқ советидаги «Сталинчи» колхозининг теримчиси.

149. **Иззатова** Туйбат — Эски Қовунчи қишлоқ советидаги «Сталинчи» колхозининг теримчиси.

150. **Муҳамеджонова** Гуланда — Молотов қишлоқ советидаги Тельман номли колхознинг теримчиси.

151. **Рашидова** Хури — Эски Тошкент қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг теримчиси.

152. **Сулаймонова** Адолат — Шўралисой қишлоқ советидаги Каганович номли колхознинг теримчиси.

153. **Турсунова** Тунд — Эски Тошкент қишлоқ советидаги Хрушчев номли колхознинг теримчиси.

154. **Турдиалиева** Халима —Шўралисой қишлоқ советидаги Каганович номли колхознинг теримчиси.

155. **Тўрахўжаева** Хамра — Шўралисой қишлоқ советидаги Каганович номли колхознинг теримчиси.

156. **Тожибоева** Ибодат — Шўралисой қишлоқ советидаги Каганович номли колхознинг теримчиси.

157. **Эсбўтаева** Фотима — Эски Тошкент қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг теримчиси.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ БУЙИЧА

158. **Иброҳимова** Мунаввара — Сталин қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг теримчиси.

159. **Миртожиева** Мукар—Сталин қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг теримчиси.

160. **Маҳкамова** Мамлакат — Дўрмон қишлоқ советидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг теримчиси.

161. **Мирбобоева** Рихси — Дўрмон қишлоқ советидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг теримчиси.

162. **Сурунбоева** Алима — Дўрмон қишлоқ советидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг теримчиси.

163. **Умарова** Сора — Дўрмон қишлоқ советидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг теримчиси.

164. **Фозилова** Бувтой — Дўрмон қишлоқ советидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг теримчиси.

165. **Йўлдошева** Маъмура — Сталин қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг теримчиси.

166. **Юсуфжонова** Карима — Сталин қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг теримчиси.

ПИСКЕНТ РАЙОНИ БУЙИЧА

167. **Ахмедова** Муҳаббат — Пискент қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг теримчиси.

168. **Абдукаримова** Марҳамат — Саид қишлоқ советидаги Хрушчев номли колхознинг теримчиси.

169. **Алимқулова** Робия — Саид қишлоқ советидаги Хрушчев номли колхознинг теримчиси.

170. **Абдуллаева** Ҳалиса — Керовчи қишлоқ советидаги Молотов номли колхознинг теримчиси.

171. **Ахмедова** Ҳадича — Оқтепа қишлоқ советидаги Охунбобоев номли колхознинг теримчиси.

172. **Бадалова** Жамила — Керовчи қишлоқ советидаги Молотов номли колхознинг теримчиси.

173. **Иноямова** Анор — Саид қишлоқ советидаги Хрушчев номли колхознинг теримчиси.

174. **Қаршибоев** Эшонали — Оқтепа қишлоқ советидаги К. Маркс номли колхознинг теримчиси.

175 **Қодирова** Анор — Саид қишлоқ советидаги Хрушчев номли колхознинг теримчиси.

176. **Мамаюсупова** Хайри — Оқтепа қишлоқ советидаги К. Маркс номли колхознинг теримчиси.

177. **Набиева** Гули — Оқтепа қишлоқ советидаги Охунбобоев номли колхознинг теримчиси.

178. **Парпиева** Лутфи — Пискент қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг теримчиси.

179. **Тоирова** Шуҳрат — Оқтепа қишлоқ советидаги Охунбобоев номли колхознинг теримчиси.

180. **Тангирова** Момо — Оқтепа қишлоқ советидаги Охунбобоев номли колхознинг теримчиси.

181. **Умарова** Жоштой — Оқтепа қишлоқ советидаги Охунбобоев номли колхознинг теримчиси.

182. **Халилова** Гулсара — Саид қишлоқ советидаги Хрушчев номли колхознинг теримчиси.

183. **Шохбозова** Мажбура — Керовчи қишлоқ советидаги Молотов номли колхознинг теримчиси.

184. **Юсупова** София — Пискент қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг теримчиси.

185. **Йўлдошева** Назми — Оқтепа қишлоқ советидаги К. Маркс номли колхознинг теримчиси.

186. **Юсупов** Аитбек — Оқтепа қишлоқ советидаги К. Маркс номли колхознинг теримчиси.

УРТАЧИРЧИҚ РАЙОНИ БУЙИЧА

187. **Абдуллажонова** Меҳри — Сталин қишлоқ советидаги Андреев номли колхознинг теримчиси.

188. **Абсатторова** Замира — Ангар қишлоқ советидаги «Ленин йўли» колхозининг теримчиси.

189. **Дўсариева** Ханифа — Сталин қишлоқ советидаги Андреев номли колхознинг теримчиси.

190. **Икромова** Ғулл — Сталин қишлоқ советидаги Андреев номли колхознинг теримчиси.

191. **Мингбоева** Ўксин — Ангар қишлоқ советидаги «Ленин йўли» колхозининг теримчиси.

СИРДАРЁ РАЙОНИ БУЙИЧА

192. **Исаева** Соня — Сирдарё қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг теримчиси.

193. **Жўраев** Ортиқбой — Калинин қишлоқ советидаги «Ҳақиқат» колхозининг теримчиси.

194. **Ражабов** Нормамат — Калинин қишлоқ советидаги «Ҳақиқат» колхозининг теримчиси.

ЧИНОЗ РАЙОНИ БУЙИЧА

195. **Омонова** Хатима — «Ўзбекистон ўн йиллиги» қишлоқ советидаги Молотов номли колхозининг теримчиси.

196. **Қолдибоева** Ҳадича — Ялама қишлоқ советидаги «XIX партсъезд» колхозининг теримчиси.

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ БУЙИЧА

197. **Азаматова** Парохат — Куйбишев қишлоқ советидаги «Коммунизм» колхозининг теримчиси.

198. **Артагалиева** Зарифа — Ниёзбоши қишлоқ советидаги Ленин номли колхознинг теримчиси.

199. **Жонбоева** Жонон — Нов қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг теримчиси.

200. **Тошматова** Ортиқжон — Ниёзбоши қишлоқ советидаги Ленин номли колхознинг теримчиси.

201. **Фозилова** Нортожи — Ниёзбоши қишлоқ советидаги Ленин номли колхознинг теримчиси.

202. **Цой Люба** — Нов қишлоқ советидаги Жданов номли колхознинг теримчиси.

203. **Ёқубова** Ойтуга — Ниёзбоши қишлоқ советидаги Ленин номли колхознинг теримчиси.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1956 йил, 27 октябрь. Тошкент шаҳри.

* Бошқа газетамизнинг 31 октябрь, 2 ва 3 ноябрь сонларида.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Пахта йиғим-теримида алоҳида ўрнак кўрсатган Тошкент областидаги мактабларнинг ўқувчиларини, техникумларнинг ўқувчиларини ва бошқа гражданларни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлаш тўғрисида *

1956 йилги пахта ҳосилини йиғиб-терив олишда актив иштирок қилганликлари учун қуйидагилар Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлансинлар:

БЕКОБОД РАЙОНИ БУЙИЧА

113. **Зайдалиева** Тўти — Ворошилов номидаги 26- мактабнинг ўқувчиси.

114. **Кўзибоева** Ойбуви — Ворошилов номидаги 26- мактабнинг ўқувчиси.

115. **Кўзибоева** Саври — Ворошилов номидаги 26- мактабнинг ўқувчиси.

116. **Қайнарова** Анор — Охунбобоев номидаги 22- мактабнинг ўқувчиси.

117. **Маликова** Турсун — Ворошилов номидаги 26- мактабнинг ўқувчиси.

118. **Мустафоқулова** Иқлим — Охунбобоев номидаги 22- мактабнинг ўқувчиси.

119. **Мамараимова** Малика — Охунбобоев номидаги 22- мактабнинг ўқувчиси.

120. **Неъматжонова** Ҳидоят — Ворошилов номидаги 26- мактабнинг ўқувчиси.

121. **Нарзуллаев** Эшмамат — Ломоносов номидаги 9- мактабнинг ўқувчиси.

122. **Рўзибекова** Зарбуви — Ворошилов номидаги 26- мактабнинг ўқувчиси.

123. **Сафарова** Меҳри — Охунбобоев номидаги 22- мактабнинг ўқувчиси.

124. **Сайидова** Мастура — Ҳамза номидаги 33- мактабнинг ўқувчиси.

125. **Тўйбеков** Райим — Ворошилов номидаги 26- мактабнинг ўқувчиси.

126. **Тўлиева** Сора — Ворошилов номидаги 26- мактабнинг ўқувчиси.

127. **Турдиботова** Ашир — Ворошилов номидаги 26- мактабнинг ўқувчиси.

128. **Урозқулова** Ойзира — Ворошилов номидаги 26- мактабнинг ўқувчиси.

129. **Ҳайиталиева** Меҳри — Жданов номидаги 27- мактабнинг ўқувчиси.

130. **Ҳусанбоева** Тожи — Карл Маркс номидаги 3- мактабнинг ўқувчиси.

131. **Ҳолиқназарова** Ҳалима — Ҳамза номидаги 31-мактабнинг ўқувчиси.

132. **Шодиматова Аширжон** — Ворошилов номидаги 26- мактабнинг ўқувчиси.

133. **Шербеков** Отабек — Жданов номидаги 27- мактабнинг ўқувчиси.

134. **Ярашев** Абдулла — Карл Маркс номидаги 3- мактабнинг ўқувчиси.

ПИСКЕНТ РАЙОНИ БУЙИЧА

135. **Алиматова** Зеби — 10- мактабнинг ўқувчиси.

136. **Абдумавлонова** Ҳаёт — 10- мактабнинг ўқувчиси.

137. **Бейсибоев** Жумагул — Жамбул номидаги мактабнинг ўқувчиси.

138. **Бердимуротов** Қодир — Ленинизм номли мактабнинг ўқувчиси.

139. **Боймуротова** Муборак — Интернационал номли 7- мактабнинг ўқувчиси.

140. **Ғаффорова** Ҳадича — Каганович номидаги 18- мактабнинг ўқувчиси.

141. **Жўраев** Нодир — Каганович номидаги 18- мактабнинг ўқувчиси.

142. **Зиёмов** Эргаш — Каганович номидаги 18-мактабнинг ўқувчиси.

143. **Зоирова** Гулсара — Тельман номидаги 8- мактабнинг ўқувчиси.

144. **Калиқулова** Имонгул — Ленинизм номли мактабнинг ўқувчиси.

145. **Қалибоева** Гулсум — Ленинизм номли мактабнинг ўқувчиси.

146. **Қаҳҳоров** Намоз — Интернационал номли 7- мактабнинг ўқувчиси.

147. **Мамаюсупова** Хайри — Жамбул номидаги мактабнинг ўқувчиси.

148. **Мамашов** Нураш — Жамбул номидаги мактабнинг ўқувчиси.

149. **Мадаминова** Мукаррам — 10- мактабнинг ўқувчиси.

150. **Мусаева** Ҳурият — Каганович номидаги 18- мактабнинг ўқувчиси.

151. **Мавлонова** София — Тельман номидаги 8- мактабнинг ўқувчиси.

152. **Мирзакаримова** Муборак — Интернационал номли 7- мактабнинг ўқувчиси.

153. **Питералиева** Сатина — Жамбул номидаги мактабнинг ўқувчиси.

154. **Раҳматова** Ашарат — Ленинизм номли мактабнинг ўқувчиси.

155. **Раҳмонов** Мўмин — 10- мактабнинг ўқувчиси.

156. **Соғиндиқов** Ислом — Ленинизм номли мактабнинг ўқувчиси.

157. **Турғунбоева** Мели — Жамбул номидаги мактабнинг ўқувчиси.

158. **Тўрақўзиева** Турсун — Жамбул номидаги мактабнинг ўқувчиси.

159. **Тўрақулов** Мустафоқул — Жамбул номидаги мактабнинг ўқувчиси.

160. **Туронова** Зулайҳо — Шмидт номидаги мактабнинг ўқувчиси.

161. **Тошева** Турсун — Интернационал номли 7- мактабнинг ўқувчиси.

162. **Усейнова** Шуҳра — Интернационал номли 7- мактабнинг ўқувчиси.

163. **Файзуллаев** Қаюм — Ленинизм номли мактабнинг ўқувчиси.

164. **Ҳолматова** Маҳбуба — 10- мактабнинг ўқувчиси.

165. **Ҳайдаров** Раим — Калинин номидаги 11- мактабнинг ўқувчиси.

166. **Ҳошимова** Марҳамат — Калинин номидаги 11- мактабнинг ўқувчиси.

167. **Эргашева** Тошбиби — Шмидт номидаги мактабнинг ўқувчиси.

168. **Йўлдошева** Марзия — Калинин номидаги 11- мактабнинг ўқувчиси.

УРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БУЙИЧА

169. **Мамажонова** Анорғул — 15- мактабнинг ўқувчиси.

ЧИНОЗ РАЙОНИ БУЙИЧА

170. **Мартикова** Светлана Дмитриевна — Вревский қишлоқ хўжалик техникумининг ўқувчиси.

171. **Сатторов** Разим — Вревский қишлоқ хўжалик техникумининг ўқувчиси.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1956 йил, 27 октябрь, Тошкент шаҳри.

* Бошқа газетамизнинг 2 ва 3 ноябрь сонларида.

МТС коллективининг ғалабаси

Ўртасарой районидаги 1-МТС зонасидаги колхозлар МТС коллективи билан мустаҳкам ҳамкорликда иш олиб бориб, партия ва ҳукуматимиз томонидан берилаётган ёрдамдан тўла фойдаланиб, бу йил ўтган йилга нисбатан янада мўл ҳосил етиштирдилар. 3995 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача 22,90 центнердан ҳосил олиниб, социалистик мажбурият ошириб бажарилди.

МТС коллективи 1957 йил мўл ҳосили учун пухта замин тайёрлаш ишига ҳам ҳар томонлама тайёргарлик кўрди. Барча ҳайдов тракторлари, кўрак терим машиналари, корчевалкалар ремонт қилиб қўйилди. Механизаторлар барча экин майдонларини 1 декабргача шудгорлаб оладилар.

Ўртоқ Узайиров 93 тонна пахта терди

Октябрь районидаги «Пахта» МТСнинг энг илғор механик-хайдовчиси Ўртоқ Болабек Узайиров умумхалқ ишига катта ҳисса қўшиб, шу кунгача ўз агрегати билан 93 тонна пахта терди.

Ўртоқ Узайиров мавсум бошида касбдошлари олдида 100 тоннадан ошириб пахта териш мажбуриятини олган эди. У ғанимат кунлардан унумли фойдаланиб, ғайрат билан ишлади. Комсомол аъзоси—моҳир механизатор Ўртоқ Узайиров машина билан пахта теришда юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун катта ҳурматга сазовор бўлди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми унинг ҳалол меҳнатларини тақдирлаб, «Фахрий ёрлиқ» билан мукофотлади.

А. ЖАЛОЛОВ.

Онанинг меҳнатсеварлиги

Сентябрнинг дастлабки кунлари эди. Хайриниса хола этак боғлаб пахтазор томон йўл олар экан, ўғли уни тўхтатди.

— Ойи, энди қариб қолдингиз. Уйда ҳузур қилиб ўтирсангизчи, Сиз учун ҳам ўзимиз терамиз, — деди. Ўглининг бу сўзига Хайриниса хола унамади:

— Колхозимизнинг каттадан-кичиги йиғим-теримда қатнашса-ю, мен томошабин бўлиб ўтираман-ми?

Мана, ўшандан буён икки ойдан кўпроқ вақт ўтди. Хайриниса хола кунига 40-50 килограммдан пахта терди. Баъзан терим суръатини ошириб, 70-80 килограммгача етказди.

— Бир грамм пахтани побуд қилиш, ейдиган нонингни исроф қилиш билан баравар, — дейди Хайриниса хола.

Мирзачўл районидаги «8-март» колхозининг аъзолари 86 ишар Хайриниса хола тўғрисида гап боғланда, уни ҳурмат билан тилга оладилар. Чунки Хайриниса хола ўзининг кексайиб қолганлигига қарамай, колхоз ишида актив қатнашмоқда. Яқинда табелчи Хайриниса хола терган пахтани ҳисоблаб кўрди. У мавсум бошлангандан буён 3 тоннадан ортиқ пахта терибди.

М. АБДУРАИМОВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1956 ЙИЛ 9 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
Бўстонлиқ	—	106,48
Оржоникидзе	0,49	103,54
Юқори Чирчиқ	0,40	103,25
Пискент	0,48	102,56
Ўртасарой	0,36	100,68
Сирдарё	0,34	97,98
Мирзачўл	0,38	95,27
Бўка	0,41	93,01
Октябрь	0,36	92,84
Верхне-волинск	0,38	92,63
Гулистон	0,28	92,56
Оҳангарон	0,14	88,47
Қуйи Чирчиқ	0,15	87,16
Калинин	0,57	86,74
Чиноз	0,40	86,14
Янгийўл	0,40	86,0
Оққўрғон	0,26	85,28
Бекобод	0,37	84,16
Боёвут	0,23	83,65
Ўрта Чирчиқ	0,27	80,71

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1956 ЙИЛ 9 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
«Малик»	0,13	96,81
«6-«Кўкорол»	0,27	88,41
«ЎзССР беш йиллиги»	0,15	87,16
3.-«Боёвут»	0,19	85,39
2-«Далварзин»	0,45	82,47
1.-«Боёвут»	0,24	81,22
«Оққўрғон»	0,15	78,65
4-«Боёвут»	0,19	74,13
1.-«Далварзин»	0,24

Улуғ Октябрь социалистик революцияси 39 йиллигининг чет элларда байрам қилиниши

Бутун дунё меҳнаткашлари, бутун прогрессив инсоният Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллигини бутун совет халқи билан бирликда тантанали равишда байрам қилдилар.

Халқ демократияси мамлакатларининг пойтахтларида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишлар бўлди.

Улуғ Хитой байрамни кенг равишда нишонлади.

Октябрь 39 йиллиги арафасида Пекинда Хитой-Совет дўстлиги жамияти шаҳар жамоатчилигининг тантанали йиғилишини ўтказди.

Залга Хитой Коммунистик партиясининг, Хитой Халқ Республикаси демократик ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, Пекин корхоналари ва муассасаларининг ишчилари ва хизматчилари, студентлар, Хитой Халқ озодлик армиясининг жангчилари, дипломатик корпус вакиллари тўпландилар.

Хитой-Совет дўстлиги жамияти раисининг ўринбосари Го Мо-жо доклад қилди.

Го Мо-жо 600 миллионли хитой халқи номидан совет халқини Улуғ Октябрнинг 39 йиллиги билан қизғин табриклаб, Октябрь революцияси инсоният тарихида янги давр очганлигини ўқтириб ўтди.

Сўнгра Совет Иттифоқининг Хитой Халқ Республикасидаги элчиси П. Ф. Юдин нутқ сўзлади. Уни залдагилар давомли қарсаклар билан кутиб олдилар. Тантанали мажлисдан кейин концерт берилди.

Польшада Октябрь революциясининг 39 йиллигини байрам қилиш поляк ва совет халқларининг мустаҳкамланиб бораётган дўстлиги белгиси остида ўтди.

Бу улуғ кунга бағишланиб Варшавада ўтказилган тантанали мажлисда Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий комитетининг биринчи секретари В. Гомулка, Польша Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси А. Завадский, Министрлар советининг раиси Ю. Циранкевич, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, ҳукумат ва давлат кенгашининг аъзолари ҳозир бўлдилар. Ҳозир бўлганлар орасида СССРнинг Польшадаги элчиси П. К. Пономаренко, бир қанча дипломатик вакилликларнинг аъзолари ва ходимлари ҳам бор эди.

Мажлис В. Гомулканинг кириш нутқи билан очилди.

Польша Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси А. Завадский Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллигига бағишлаб доклад қилди.

Тантанали мажлиснинг охирида партия гимни «Интернационал» ижро этилди. Тантанали мажлисдан сўнг катта концерт қўйиб берилди.

Чехословакия халқи Октябрь революциясининг 39 йиллигини катта хурсандчилик билан байрам қилди. Прагадаги Старо место майдонига ва унинг атрофидаги кўчаларга 7 ноябрда 100 мингдан кўпроқ киши тўпланди. Байрам намойишининг қатнашчиларини ҳукумат раиси В. Широкий табриклади.

СССРнинг Чехословакиядаги элчиси И. Т. Гришин меҳнаткашлар олдида нутқ сўзлаб, Совет Иттифоқи халқларидан чехословак халқига қизғин салом топширди.

Албания пойтахти Тирана меҳнаткашлари Октябрнинг 39 йиллигини шарафига бўлган намойишга Совет Иттифоқи халқларига чин ташаккур ва қизғин муҳаббат ҳислари билан чиқдилар.

Октябрь революциясининг 39 йиллигига бағишланиб Тиранада, Дурресда, Шкодерда ва Албаниянинг бошқа шаҳарларида халқ сайиллари бўлди.

Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари Октябрнинг 39 йиллигини хурсандлик ва тантана билан нишонладилар.

Берлиндаги Метрополь театри биносида Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий комитетининг, Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг ва демократик Германия Миллий фронти Миллий кенгашининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 39 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлди. Тантанали мажлисга партия ва давлат арбоблари, меҳнаткашларнинг вакиллари, фан ва маданият арбоблари тўпландилар.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Э. Мюккенбергер Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

7 ноябрда Болгариянинг ҳамма шаҳарларида меҳнаткашларнинг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллигига бағишланган оммавий намойишлари ўтказилди.

Софиядаги намойиш жуда катта тантана билан ўтди.

Байрам тусида безатилган 9 сентябрь майдонига меҳнаткашларнинг колонналари эрталаб соат 9 да кириб келди.

Бухарестда, Улан-Баторда, Пхеньянда, Ханойда Улуғ Октябрь революциясининг 39 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишлар катта хурсандчилик билан ўтди.

Миср халқи Улуғ Октябрнинг шонли 39 йиллигини совет халқига ўзининг қизғин ҳайриҳоҳлигини изҳор қилиш билан нишонлади.

СССРнинг Мисрдаги элчиси Е. Д. Киселев совет халқининг улуғ байрами билан табриклаш учун келган кишиларни 7 ноябрда соат 10 дан 14 гача қабул қилиб турди. Миср Республикасининг президенти Жамол Абдул Носир катта гулдаста юборди.

Миср ҳукуматининг аъзолари, министрларнинг ўринбосарлари, Миср ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари, отоқли ёзувчилар ва олимлар, Миср жамоатчилигининг вакиллари, шунингдек Қоҳирадаги чет эл дипломатик вакилликларининг бошлиқлари ва аъзолари келиб ўзларининг табрикларини ва совет халқига ниҳоятда ўзларининг энг яхши истакларини изҳор қилдилар.

Қоҳира университети механика факультети студентларининг делегацияси Миср ўз озодлиги ва мустақиллиги учун олиб бораётган курашида холис қўллаб-қувватлаётганлиги сабабли Совет ҳукуматига ва совет халқига ташаккур изҳор қилиб, ССР Иттифоқи Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин номига ёзилган табрикномани совет элчихонасининг вакилига топширди.

Бирма Ишчи-Деҳқон партияси ва бу партияга ёндошувчи ташкилотлар 7 ноябрда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллигига бағишлаб митинг ўтказдилар. Митингда ишчилар бирлигини мустаҳкамлашга чақирувчи резолюция қабул қилинди.

Норвегия пойтахти Ослода гитлерчиларга қарши олиб борилган жангларда ҳалок бўлган совет жангчилари ёдгорлиги олдига Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллиги муносабати билан 7 ноябрда гулчамбарлар қўйиш маросими бўлди.

«Италия-СССР» жамиятининг маҳаллий ташкилотлари ва коммунистик федерациялар бутун Италияда Улуғ Октябрнинг 39 йиллиги муносабати билан митинглар ва йиғилишлар ўтказмоқдалар.

Бошқа капиталистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари ва демократик жамоатчилиги ҳам улуғ байрам — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллигини нишонладилар.

* * *

Совет Иттифоқининг чет элларди элчихоналарида ва миссияларида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллиги шарафига қабул маросимлари ўтказилди. (ТАСС).

АҚШДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 7 ноябрь. (ТАСС). Америка матбуотининг маълумотларига кўра 6 ноябрда ўтказилган президент сайловлари вақтида берилган овозларни ҳисоблаб чиқиш тўғрисидаги ғайрирасмий маълумотларга қараганда республикачилар партиясининг кандидати Д. Эйзенхауэр яна иккинчи марта (1957—1961 йиллар учун) АҚШ президенти бўлиб сайланганлигини кўрсатади. Вице-президентликка у билан бирга овозга қўйилган Р. Никсон АҚШ вице-президенти бўлиб сайланган.

Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабарида айтилишича, Эйзенхауэр 154.844 сайлов участкасидан 126.276 тасида 30.015.335 овоз олган, демократик партия кандидати Э. Стивенсон 21.708.179 овоз олган.

Овозларни санаб чиқиш гарчи ҳали тугамаган бўлсада, Эйзенхауэрнинг ва вице-президентликка кандидат бўлган Р. Никсоннинг 41 штатда сайловчилар овозининг кўпчилигини ва, бинобарин шу штатлардан белгиланган 457 сайловчи вакиллар овозининг кўпчилигини олишлари таъминланган. Стивенсоннинг 74 сайловчи вакили бўлган 7 штатда кўпчилик овоз олиши таъминланган.

Дастлабки маълумотларга қараганда сенатда республикачилар 45 ўринга, демократлар 47 ўринга эга бўладилар. Қолган тўрт ўриннинг тақдири ҳали аниқланганги йўқ.

Овозларнинг тақсимланиши тўғрисидаги ғайри расмий дастлабки маълумотларга қараганда, вакиллар палатасида 435 ўриндан республикачиларга 189 ўрин, демократик партия кандидатларига эса 212 та ўрин таъминланган. Гарчи қолган 34 ўриннинг қандай тақсимланиши ҳали аниқланмаган бўлсада, матбуотнинг фикрича, демократик партия конгресснинг ҳар иккала палатасида кўпчилик ўринни олади.

Матбуот хабарларига қараганда, Стивенсон Эйзенхауэрга традицион мактуб юбориб, сайловларда ўзининг енгилганлигига иқрор бўлган ва Эйзенхауэрни АҚШ президентлигига сайланганлиги билан табриклаган.

БМТ Бош Ассамблеясининг Фовқулодда сессияси

7 НОЯБРДАГИ ҚУНДУЗГИ МАЖЛИС

НЬЮ-ЙОРК, 8 ноябрь. (ТАСС). Кеча Нью-Йорк вақти билан соат 15 дан 25 минут (Москва вақти билан соат 23 дан 25 минут) ўтганида Бош Ассамблея Фавқулодда сессиясининг кундузги мажлиси бўлди. Бу мажлисда уруш ҳаракатларини тўхтатиш ҳамда Англия, Франция ва Исроил қуролли кучларини Миср территориясидан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш давом этди.

Непал, Боливия, Ироқ, Польша, Югославия, Афганистон, Ливан, Бирма ва Эфиопия вакиллари қўшинларни дарҳол олиб чиқиб кетишни талаб этган 19 мамлакат резолюцияси проектини ёқлаб гапирдилар.

Агрессия қилган мамлакатларнинг вакиллари, шунингдек уларни қувватлаётган баъзи делегатлар 19 мамлакатнинг агрессорлар қуролли кучларини Мисрдан дарҳол олиб чиқиб кетишни талаб этган резолюция проектига қарши гапирдилар.

Англия делегати Диксон Англия ва Франция томонидан Мисрга қилинган қуролли ҳужумдан кузатилган бирдан-бир мақсад — Миср билан Исроил ўртасидаги конфликтни «тўхтатиш» ва Сувайш каналининг нормал ишлашини таъминлашдан иборат эди, деган кулгили даъвони яна такрорлади.

Англия делегати 19 мамлакатнинг резолюция проектига қарши эътироз билдириш билан бирга, БМТнинг Мисрга ҳалқаро кучлар юборишга тайёргарлик кўриш соҳасидаги ташаббусини «қизғин» табриклади. Унинг айтишича, бу кучлар инглиз-француз қўшинларининг «вазифаларини бажаришда» уларнинг ўрнини босиши лозим. Диксон очиқдан-очиқ бундай деди: БМТнинг ҳалқаро кучлари Мисрга келтирилганига қадар инглиз-француз қуролли кучлари Мисрдан олиб кетилмайди. Диксоннинг айтишича, Фаластин проблемасига боғлиқ барча масалалар ҳал этилганига қадар БМТнинг ана шу ҳалқаро кучлари Миср территориясида қолиши керак.

Англия делегати, менинг ҳукуматим Мисрда уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисида буйруқ берди, деган сўзларни яна такрорлади ва Бош Ассамблея эндиликда ташқи ишлар министрлари даражасида Хавфсизлик Кенгашининг чақирилишини ва Фаластин проблемаси билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларни ҳал этишга уриниб кўришини кутиб туриши керак, деб Бош Ассамблеяни шунга инонтирмоқчи бўлди. Диксон нутқ сўзлаб турган пайтда Миср ташқи ишлар министри телеграммасининг тексти тарқатилди. Бу телеграммада айтилишича, Англия ҳукуматининг 7 ноябрда маҳаллий вақт билан соат 2 дан бошлаб уруш ҳаракатларини тўхтатиш ҳақида ваъда берганлигига қарамай, маҳаллий вақт билан соат 15 дан 15 минут ўтганида Миср қўмондонлигидан хабар олинган. Бу хабарда айтилишича, инглиз-француз қўшинлари Порт-Саидни қуршаб олганлар ва бу шаҳардаги ҳарбий ҳамда граждан объектларини ўққа тутмоқдалар.

Франция делегати Корню-Жантий ҳам Диксоннинг нутқи руҳида сўзлади.

Ҳиндистон вакили Кришна Менон сессияни 19 мамлакатнинг агрессорларга қарашли барча қўшинларни Мисрдан дарҳол олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги резолюциясини маъқуллашга чақирди. Ана шу қўшинларни, деди у, дарҳол олиб чиқиб кетиш керак. Шундан кейингина бошқа ҳамма проблемаларни қараб чиқиш мумкин бўлади.

Бош Ассамблея 19 мамлакатнинг резолюциясини 65 овоз билан қабул қилди. Яқин ва Ўрта Шарқ, Осиё ва Африка, Америка мамлакатлари ва Европа мамлакатларидан 1956 йил 30 октябрда Миср топширилган биринчи ультиматумда баён қилинган ўз мақсадларига эришганларидан кейингина уруш ҳаракатларини тўхтатишга рози бўлганликлари каби фактга ҳам эътибор қилмай бўлмайди. Маълумки, бу ультиматум Мисрнинг Сувайш каналидан 10 миля шарқишимолда бўлган бутун территориясини Исроилнинг оккупация қилишини ва инглиз-француз қўшинларининг Сувайш канали зонасидаги энг муҳим позицияларни ишғол қилишларини кўзда тутган эди.

Агрессорлар эндиликда уруш ҳаракатларини тўхтатиш ҳақидаги шартларида баъзи янги талабларни илгари сурдилар. Бу эса, уларнинг Сувайш канали зонасида узоқ вақт қолиб, бу ерда хўжайинлик қилиш ниятида эканликларини исбот қилади.

Масалан, Буюк Британия вакилининг 6 ноябрда БМТ бош секретарига юборган мактубида (БМТ бош секретарининг айтишича, Франция ҳам бу мактубга қўшилган) Сувайш каналини ғарқ бўлган кемалардан тозалаш ва кемаларнинг қатнови учун йўл очиш мақсадида инглиз-француз техника қўшинларини Сувайш канали районида номаълум муддатгача қолдириш таклиф этилади.

Мазкур мактубдан яна шу нарса маълум бўладики, Англия ва Франция ўз қўшинларининг Мисрда бўлишини Мисрда жойлаштириладиган ҳалқаро қўшинларнинг Бош Ассамблея томонидан 2 ноябрда қабул қилинган резолюцияда қўйилган мақсадларнинг бажарилишини таъминламоқ ва кузатиб турмоқ учун, уларнинг фикрича, етарлик даражада компетентли бўладими, ёки йўқми эканлигига ҳам боғлиқ қилиб қўймоқчилар. Бу эса инглиз-француз қўшинлари Англия ва Франция истаган узоқ вақтгача Мисрда қоладилар, демакдир.

Буларнинг ҳаммаси эндиликда уруш ҳаракатларини тўхтатиш ва агрессия қурбони бўлган Мисрни ҳимоя қилишда БМТ нинг муваффақияти деб кўрсатилмоқда.

Уруш ҳаракатларини тўхтатишдан кейин БМТнинг асосий вазифаси Англия, Франция ва Исроилнинг ҳамма қўшинларини Бош Ассамблеянинг 2 ноябрдаги қарори талаб қилганидек, Миср территориясидан дарҳол олиб чиқиб кетишни таъминлашдан иборат бўлади.

Совет делегацияси 19 мамлакат томонидан тақдим этилган резолюция проектини ёқлаб овоз берди. Бу резолюция проекти Англия, Франция ва Исроил ҳукуматларига ўз қўшинларини Миср территориясидан дарҳол олиб чиқиб кетишни талаб этади. Совет делегацияси бунда шу нарсага асосланадики, инглиз-француз қўшинларини Миср территориясидан дарҳол олиб чиқиб кетиш, шунингдек Исроил қуролли кучларини демаркация линиясининг нариги томонига олиб чиқиб кетиш ана шу районда осойишталик ўрнатиш учун зарур шароит вужудга келтиради. Аммо совет делегациясининг фикрича, бу резолюцияда Исроил қўшинларини ўз территориясига олиб чиқиб кетиш ва инглиз ҳамда француз қўшинларини Мисрдан олиб чиқиб кетиш учун муайян муддат кўрсатилганида у ўз мақсадига кўпроқ муносиб бўлур эди.

Бош Ассамблея ҳалқаро қуролли кучларни вужудга келтириш тўғрисидаги таклифни қабул қилди.

Бош секретарнинг шу масала ҳақидаги резолюция текстидан маълум бўлишича, аслида, БМТ қуролли кучларни тузганига қадар, уларни Мисрнинг розилиги билан ажратиб берилган ерларда жойлаштирганга қадар БМТ Англия ва Франциянинг ўз қуролли кучлари Мисрда босиб олган территорияда қолдирилади, деган талабини қабул қилади.

Сувайш каналини контроль қилишни ҳалқаро қуролли кучларга топширишни кўзда тутган резолюция проекти Сувайш канали масаласини Англия ва Францияга мақбул бўлган тарзда ҳал этишга эришиш ва бундай қарорни БМТнинг обрўси деб тасдиқлаш йўлидаги ниқобсиз уринишдан бошқа бир нарса эмаслигига шубҳа қилиш мумкинми?

Совет Иттифоқи суверен Миср давлати тупроғида агрессорнинг қуролли кучлари бўлишига асло йўл қўйиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Ҳалқаро полиция кучларини вужудга келтириш ва уларни Миср территориясида жойлаштириш масаласига келганда совет делегацияси бу кучлар БМТ уставига хилоф суратда тузилаётганлигини қайд қилиб ўтишни зарур деб ҳисоблайди. Бош Ассамблеянинг қарорига мувофиқ, эндиликда ана шу қуролли кучларни тузиш таклиф этилади. Бу қарор БМТ нинг Уставига хилофдир. БМТ Уставининг 7-боби Бош Ассамблея эмас, балки Хавфсизлик Кенгашигина ҳалқаро қуролли кучларни тузиш ва ҳалқаро тинчлик ҳамда хавфсизликни сақлаш ёки қайтадан тиклаш учун зарур бўлиб қолган тадбирларни кўриш, жумладан ана шундай қуролли кучлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигини кўзда тутади.

Ҳалқаро қуролли кучларни вужудга келтириш тўғрисидаги резолюция, БМТ Уставига мувофиқ, кўзда тутилган мақсадларга, яъни ҳалқаро қуролли кучларни вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш имконини берадиган мақсадларга хилофдир. Устав агрессия қурбони бўлган давлатга агрессияни қайтаришда ёрдам бериш учун, бундай давлатни агрессордан ҳимоя қилиш йўлидаги ҳаракатлар учун ана шундай кучлардан фойдаланишни кўзда тутади. 1956 йил 5 ноябрда қабул қилган резолюция ва бу резолюцияни амалга ошириш плани ҳалқаро қуролли кучлардан Мисрга қарши агрессияни қайтариш учун фойдаланишни кўзда тутмайди.

Бу план ҳалқаро қуролли кучларни Миср территориясига киритишни, Миср территориясининг талайгина қисмини, шу жумладан Сувайш канали зонасини ана шу қуролли кучларнинг контроли остига топширишни кўзда тутади.

Ҳалқаро қуролли кучларнинг Сувайш канали зонасини ишғол қилиши ҳақиқатда канални Миср ихтиёридан олиш эканлиги ҳаммага аёндир. Маълумки, бу нарса Англия билан Франциянинг Мисрга қарши агрессив ҳаракатларида кўзда тутган мақсадларидан бири эди.

Юқорида айтилган сабабларга кўра, совет делегацияси Хавфсизлик Кенгашини четлаб, Бош Ассамблея томонидан Миср территориясида жойлаштирмоқ учун тузиладиган ҳалқаро қуролли кучларни вужудга келтириш ҳақидаги таклифни БМТнинг Уставига хилоф деб ҳисоблайди.

Аммо агрессия қурбони бу масалада ҳалқаро қуролли кучларни Миср территориясига киритиш агрессиянинг янада кенгайишига йўл қўймаслиги мумкин деган умид билан унга розилик беришга мажбур бўлганлигини ҳисобга олиб, совет делегацияси резолюция проектини овозга қўйишда бетараф бўлиб қолди.

Бош Ассамблея ҳозирги вақтдаги асосий масалани ҳал қилишга — Миср территориясидан чет эл қуролли кучларининг ҳаммасини дарҳол чиқартириб юборишга ўзининг бутун эътиборини, куч ва ғайратини қаратмоғи лозим.

Совет Иттифоқи эса, суверен ва мустақил давлат бўлган Мисрнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, Сувайш проблемасини бартараф қилмоқ ва Мисрга қарши агрессияни тезлик билан тўхтатмоқ ҳамда каналдан фойдаланишни истаганларнинг ҳаммаси учун каналда кемаларнинг бемалол қатнашини таъминламоқ учун ўз ҳиссасини қўшишга тайёрдир.

Сувайш проблемасини бу тарика ҳал қилиш умумий тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлиб тушган бўлур эди.

МИСР ҲУКУМАТИНИНГ РАДДИЯСИ

ҚОҲИРА, 7 ноябрь. (ТАСС). Бу ерда қуйидаги баёнот эълон қилинди.

Лондон ва Париж радиолари, Англия-Франция қўшинлари Сувайш канали зонасида Исмоилия шаҳрининг жанубидаги районга қадар контроллик қилмоқдалар деб хабар бердилар. Миср ҳукумати билдирадики, бу хабар бутунлай ёлғон ва ҳеч бир асосга эга эмас. Ҳақиқатда улар осмондан муттасил бомбардировка қилаётган ва денгиздан тўпга тутаётган, чет эл қўшинлари зўр бераётган бўлсаларда, жанглар тўхтатилганлиги тўғрисидаги буйруққа қарамай, ҳали ҳам Порт-Саиднинг шимолий зонасида турибдилар ва шаҳар аҳолисига қарши жанг олиб бормоқдалар. Бу қўшинлар аҳолига сув бердирмай қўйдилар ва аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш йўлини тўсиб қўйдилар.

Миср қўшинлари Порт-Саиднинг жанубида бутун канал зонасини актив контроллик қилмоқдалар. Эртага, 8 ноябрда, барча телеграф агентликларининг мухбирлари бу зонани келиб кўрадилар. Бу эса Англия-Франция тарқатаётган хабарларнинг ёлғонлигини исботлаб беради.

ВЕНГРИЯДА АҲВОЛ

БУДАПЕШТ, 8 ноябрь. (ТАСС). Бугун Революцион Ишчи Деҳқон Ҳукуматининг аъзолари бош министр Янош Кадар бошчилигида Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг раиси Иштван Доби ва давлат министри Дьердь Марошан Будапешт радиоси орқали сўзладилар. Улар мамлакат аҳолисига мурожаат қилиб, шаҳар ва қишлоқларда осойишталик ва тартибни тезда тиклаш учун ғайрат билан курашишга чақирдилар, меҳнаткашлар томонидан тузилган революцион комитетларнинг ва ишчи советларининг аҳамиятини ва ҳуқуқларини тушунтирдилар.

Бугун Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукумати бир қанча муҳим фармойишлар чиқарди. Будапештда жамоат таъминоти ҳукумат комитети тузилди. Темир йўл транспортининг ишига ҳукуматнинг махсус вакили бошчилик қилади.

Венгрия социалистик ишчи партиясининг раҳбарларидан бири А. Апро радио орқали шаҳтёрларга мурожаат қилиб, кўмир чиқаришни йўлга қўйишга чақирди.

Провенцияда ҳаёт ўз изига тушмоқда. Сабольч областида саноат корхоналарининг кўпчилиги ишламоқда, деҳқонлар кузги дала ишларини бажаришга киришдилар. Мамлакатнинг шарқий районларида темир йўл ва жамоат транспорти қатнови бошланди. Сегед, Сомбатхей, Ньередьхаза ва бошқа шаҳарларда ҳаёт нормаллашмоқда.

Венгер ишчилари ва деҳқонлари Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, Чехословакия, Руминия ва бошқа социалистик мамлакатларнинг Венгрия Халқ Республикасига иқтисодий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарорини қувонч билан кутиб олдилар. Ҳозир СССР ва Чехословакиядан Венгрияга кўмир, металл, озиқ-овқат, дори-дармонлар келмоқда.

Венгер ватанпарварлари Венгрияда буржуа тартибларини қайта тиклашга уринган реакция тарафдорларига қарши курашида ўз ҳукуматига тобора активроқ ёрдам бермоқдалар.

АНГЛИЯ-ФРАНЦИЯ АГРЕССИЯСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПОРТ-САИД УЧУН ҚАТТИҚ ЖАНГЛАР БЎЛМОҚДА

ҚОҲИРА, 8 ноябрь. (ТАСС). Миср ахборот бошқармасининг бош директори Абдил Қодир Ҳатимнинг 7 ноябрь кечқурун айтишича, Порт-Саидда жанглар давом этмоқда. Душман шаҳарни ишғол қилиш ниятига эришолмагач уни сув таъминоти манбаъларидан кесиб қўйган.

Инглиз ва француз қўмондонлиги 6 ноябрда,— деди Хатим, Порт-Саид қиргоғига танк қисмлари туширди, аммо бу қисмлар шаҳарга фақат кечасигина ўта олдилар. Инглиз флоти шаҳарни ўққа тутиб турган вақтда душман бошланғич позицияларда турди. Порт-Саидда, шу жумладан Ал-Манах районида ва Аббос кўчасида ёнғинлар бошланди. Душман қўшинлари эрталаб соат 5 гача шаҳардан ташқарида турди. Эрталаб соат 5 да жанглар яна бошланди. Миср армияси аҳоли ёрдами билан қаттиқ қаршилик кўрсатиб турди. Ҳозирга қадар, деди Хатим босқинчилар шаҳарни эгаллай олмадилар ва бир қанча кварталларда кўча жанглари давом этмоқда. Хатимнинг кўрсатишича инглиз қўмондонлиги агрессорлар Порт-Саиднинг граждан аҳолисига «яхши муносабатда бўлмоқдалар» деб кўрсатиш ниятида ҳар хил найранглар ишлатмоқда.

МЕН агентлигининг ҳарбий мухбири хабар беради:

10 кундан буён Порт-Саид аҳолиси агрессияга қарши мардлик билан курашмоқда. Кеча Аббос кўчасида шаҳар ҳимоячилари душманнинг бешта танкининг йўлини тўсдилар. Танклардан жуда қаттиқ ўт очилиб турганига қарамай, аҳоли уларга атака қилди ва граналаталар иргитиб тўрт машинани яксон қилди ва бешинчисини қўлга тушириб олди.

Душман авиацияси шаҳарга ҳужум қилиб турибди.

Сўнгра мухбирнинг кўрсатишича у хабар жўнатаётган пайтда душман ҳар қанча зўр берса ҳам айтарлик натижаларга эриша олмаган ва ўзи ишғол қилиб турган зонани кенгайтира олмаган. Душман ҳозир ҳам қиргоқнинг кичик бир участкасинигина ўз қўлида тутмоқда.

Душманнинг Муҳаммад Али кўчасига ўтиб олиш йўлидаги уринишлари ҳам натижа бермаган.

«Аш-Шаоб» газетасининг хабар беришича, кеча Порт-Саидда осмонга қопқора тутун буруқсаб кўтарилган. Уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги қарорга қарамай, ўз агрессив ҳаракатларини давом этдираётган инглиз ва француз қўшинларига Миср снайперлари қаршилик кўрсатмоқдалар.

МИСРДАГИ УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ҚОҲИРА, 7 ноябрь. (ТАСС). Миср қуролли кучлари бош қўмондонлигининг бугун эълон қилинган 7 ноябрдаги 33-ахборотида бундай дейилади:

Жангларни тўхтатиш тўғрисидаги буйруққа қарамай Англия ва Франция қўшинлари Порт-Саид шаҳрини қуршаб олдилар. Душманнинг қуролли кучларимизга ва Порт-Саид аҳолисига қарши агрессияси ҳозирги пайтгача давом этмоқда.

* * *

ҚОҲИРА, 7 ноябрь. (ТАСС). Миср қуролли кучлари бош қўмондонлигининг 6 ноябрь кечқурун эълон қилинган навбатдаги ахборотида бундай дейилади: Порт-Саидда жанглар аввалгидек шиддат билан давом этмоқда. Бутун кун бўйи шаҳар денгиздан ва осмондан қаттиқ бомбардировка қилиниб турди. Порт-Фуод ёнидаги саёзликка француз қўшинлари туширилди. Миср қуролли кучлари аҳоли билан бирликда катта биноларга ва турар жойларга ўрнашиб олиб, қаттиқ қаршилик кўрсатишни давом эттирмоқдалар ва кўчаларда шиддатли жанг олиб бормоқдалар.

ГЕНЕРАЛ БЭРНС ҚОҲИРАГА КЕЛДИ

ҚОҲИРА, 9 ноябрь. (ТАСС). БМТнинг Фаластиндаги кузатувчилар штабининг бошлиғи генерал Бэрнс кеча Қоҳирага келди, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уни БМТ қарорларини амалга оширувчи ҳалқаро кучларнинг бошлиғи қилиб тайинлаган эди.

Бэрнс Қоҳирага келгач Миср ташқи ишлар министри Маҳмуд Фавзий билан учрашди.

БИРМАДА «СОВЕТ ИТТИФОҚИ» ЖУРНАЛИ ЧИҚА БОШЛАДИ

РАНГУН, 7 ноябрь. (ТАСС). Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллиги арафасида Рангунда «Совет Иттифоқи» журналининг биринчи сони босилиб чиқди.

Совет элчихонаси томонидан бирма тилида чиқарилаётган бу журналнинг биринчи сони Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидовнинг «Тинчлик манфаатларини кўзловчи дўстлик» деган мақоласи билан очилади.

Журналда Совет Иттифоқи ёрдами билан Рангунда қурилаётган стадион проектининг автори архитектор Андреевнинг ҳам мақоласи босилган.

«Совет Иттифоқи» журнали сотилабошлади. Журнал обуна қилиш йўли билан ҳам тарқатилади.

«ПАХТАКОР» КОМАНДАСИНИНГ ЯНА БИР МАҒЛУБИЯТИ

8 ноябрда «Пахтакор» стадионида «Б» класс бўйича мамлакат биринчилиги учун ўйновчи футболчиларнинг навбатдаги учрашуви бўлди. Бунда «Пахтакор» (Тошкент) командаси билан «Қайрат» (Олмаота) командаси учрашди.

«Пахтакор» командасининг футболчилари ташаббуссиз ўйнадилар. Натижада ўйин 4:0 ҳисоби билан «Қайрат» командасининг фойдасига ҳал бўлди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—10/XI да **Холисхон**, 11/XI да кундуз **Шамсиқамар**, кечқурун **Аломат ҳодиса.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—10/XI да **Евгений Онегин**, 11/XI да кундуз **Шўрали**, кечқурун **Пиковая дама.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—10/XI да **Фарҳод ва Ширин**, 11/XI да кундуз **Кўнгил куйлари**, кечқурун **Азиз ва Санам.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—10, 11, 12, 13 ва 14/XI да **А. Г. Соколнинг ҳайрлашув гастроллари. Аттракцион — «Мўжизасиз-мўжизалар»**, Томоша кеч соат 8 да бошланади. Якшанба куни **3 марта томоша** кўрсатилади (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да).

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН»—кундуз ва кечқурун янги итальян бадиий фильми **Юз серенада.**

«ЁШ ГВАРДИЯ»—эрталаб соат 9 ярим, 11 ва кундуз 12 ярим да **Рождество арафасидаги кеча**, кундуз соат 2 дан **Юз серенада.**

«ХИВА»—**Юз серенада.**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими—132, Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими — 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р 07526. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурхи» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1558.